**Буюк инқироз.** Буюк инқирознинг сабаблари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Асосий сабаблар этиб: пул ва товар массаси ўртасидаги диспорция; биржа “кўпиклари” (ишлаб чиқаришга керагидан ортиқча инвестиция киритиш); импорт учун божхона божлари ошириб юборилиши ва натижада аҳолининг тўлов қобилиятини пасайиб кетиши, иш ҳақининг турғунлиги шароитида корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошириб юборилиши ва тайёр маҳсулотларнинг омборларда қолиб кетиши кабилар кўрсатилади. Инқироздан энг катта талофат кўрган давлатлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Канададир.

Инқироз шу даражада кучайиб кетганки, 1933 йилда ҳар олтинчи одамнинг биттаси ишсиз қолган. Саноатда ишлаб чиқариш 3-4 баробарга пасайиб кетган. Буюк инқироз 1929-1933 йилларини қамраб олган.

Инқироздан чиқиш учун асосий чоралар сифатида саноат давлат томонидан қўллаб-қувватланган, банклар сони қисқартирилган ва доллар курси пасайтирилган.

**Энергетика инқироzi.** Энергетика соҳасидаги энг катта инқироз Сурия ва Миср Исроил билан урушганда 1973 йилнинг октябрида содир бўлган. ОПЕК давлатлари нефть қазиб олишни камайтирган ва АҚШ, Голландия ҳамда Исроилнинг иттифоқдош давлатларига нефть нархини 70 фоизга ошириб юборганлар. АҚШда ишсизлар сони 15 млн. одамга етган. Шу даврдан бошлаб мутахассисликни ўзгартириш бўйича қайта ўқитиш ва малака ошириш курслари ташкил топа бошлаган. Бу ишга биринчи бўлиб Университет ўқитувчиси Джон Сперлинг асос солган. АҚШнинг 85 фоиз аҳолисининг шу даврда шахсий автомобилга эга эди. Шу сабабли ёқилғи қуйиш шахобчаларида автомобиллар қатори бир неча чақиримгача чўзилиб кетган. Австрия ва Германияда автомобилларни юришини таъқиқлаб ҳам қўйилган.

**“Қора душанба” (Черный понедельник).** 1987 йилнинг 19 октябрида Доу Жонс индекси (Dow Jones Industrial Average) кескин тушиб кетган. Америка фонд бозорининг ваҳимали тўлкини натижасида бир қанча катта трансмиллий компнияларнинг капитализациясини умумий даражаси пасайиб кетган ва Австралия, Янги Зеландия, Гонконг, Жанубий Корея ва бошқа Лотин Америкаси давлатларининг биржа котировкалари тушиб кетган. Тўғри, кейинги куни индекс 12 фоизга кўтарилган. Бундан кейинги даврларда

хам индекс доимий равишда кўтарилиб тушиб турган, лекин инқироз юз берган куни давлатнинг молия сектори издан чиқиб кетган. Натижада 15 минг брокер ва трейдерлар ишсиз қолган. Шундан сўнг, Доу Жонс индекси 1989 йилдагина ўзининг олдинги мавқеига қайтган.

1990 йилларда ҳам Россияда, Осиёда яна бир қанча шу каби катта-кичик инқирозлар юз берган. Уларнинг ҳам асосий сабаблари банк-молия тизимининг шикастланишига бориб тақалади.

Тарихда бўлиб ўтган шу инқирозлар ҳақида фикр юритганда айтиш мумкинки, инқирозларни келажакда ҳам тўхтатиб бўлмайди, у циклик равишда яна такрорланаверади. Аммо инқироз оқибатларини юмшатиш мумкин. Буни амалга оширишдан аввал уни юзага келиш жараёнларини аниқлаб олиш лозим.

Ўтказилган тадқиқотлардан кўринадики, иқтисодий қонунларнинг объектив амал қилишида субъектларнинг аралашуви кичик-кичик хатоларни тўпланиб, йириклашувига олиб келади ҳамда уни жиловлаш мушкул ишга айланади.

Бугунги кунга қадар содир бўлган инқирозларни тўлиқ моҳиятини очиш мақсадида дунёнинг барча давлатларида олимлар ва мустақил тадқиқотчилар томонидан кўплаб фикрлар ва мулоҳазар, шунингдек, таърифларни ўз ичига олувчи махсус тезислар, мақолалар, қўлланмалар чоп этиб келинмоқда. Жумладан, В.Колташевнинг “Глобал иқтисодиёт инқироzi” номли китобида ушбу масалага атрофлича ёндашилган. Унинг фикрича, 1969-1971, 1973-1975, 1978-1980 ва 1981-1982 йилларда юз берган тўртта инқироз натижасида дунё ҳўжалигида сифат ўзгариши содир бўлди. Яъни, иқтисодий циклда пасайиш юз берди.

Охирги иккита инқироз натижаси саноати ривожланган давлатларга салбий таъсир этиб, саноатни иқтисодиёти ривожланаётган давлатларга оммавий оқими бошланди. 2008 йилдаги глобал инқироз натижасида саноат корхоналарини кўчиши хомашё ишлаб чиқарувчилар географиясига таъсир қилмади. Бир вақтнинг ўзида саноат технологиясини қайта жиҳозлаш сиёсати юқори малакага эга бўлган ишчилар ойлигини ривожланмаган давлатлар сирасига кирувчи давлатлардаги арзон ишчи кучига алмаштиришни мўлжаллади. Янги сиёсатнинг муваффақияти барчасидан ҳам илгари биринчи навбатда бошқаришга алоқадор бўлган коммуникация технологиялари компьютер, интернет, сунъий йўлдош орқали алоқаларни тезроқ ривожланишини таъминлади. Капитал кўчиш даражасининг кескин равишда ортиши, электрон пулларни вужудга келтирди. Ривожланган давлатларнинг миллий монопол корхоналари трансмиллий корпорацияларга айланди. Юқоридаги ўзгаришлар натижасида, янги ҳўжалик даври молиявий глобаллашув номини олди [3].

Охирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва шу давргача бўлган бошқа глобал инқирозлар билан курашишнинг йўл-йўриқларида иқтисодиётни соғломлаштириш ва инқирозга қарши чораларнинг бир неча йўналишларини кўриш мумкин. Мазкур йўналишларнинг асосий моҳияти касаллик келиб чиққан соҳани молиявий барқарорлигини оширишдан бошланиб, инқироз даври ўтгунча ишлаб чиқариш ҳимоя қилинади ва рағбатлантирилади. Бу усуллар шу давргача ўз натижаларини самарали тартибда бериб келган. Инқирозга қарши чораларнинг барча давлатлар ва инқирозларнинг барча тури учун бирдек бўлган умумий чоралари ҳам мавжуд. Бу кўпроқ иқтисодиётда ўсишни рағбатлантириш, ривожланиш имкониятлари мавжуд бўлган соҳаларга давлат кафолати остида кредит, дотация, субсидиялар ва давлатнинг мақсадли ёрдамларини ажратиш билан белгиланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаларидан бири — корхоналар фаолиятида инқирозли вазиятларни бартараф этиш учун шароитни ҳосил қилиш эвазига бозор механизмини амал қилишида ҳатоликларга йўл қўймаслик бўлиб, бу вазифа инқирозга қарши давлат тадбирларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш билан ҳал этилади.

Давлатнинг инқирозга қарши чоралари корхоналарда ишлаб чиқариш маромийлигини сақлаш, бозор механизмларини шикастланишини олдини олиш ва иқтисодиётнинг ўсиш даражасини ушлаб туриш мақсадида амалга оширилади. Шу йўл билан давлат мунтазам

иқтисодийнинг “кичик ячейкасига вирусни туширмасликка ёки уни даволашга” ҳаракат қилади ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Давлатнинг инқирозга қарши чораларини қайси йўналишда бўлиши иқтисодий тубдан таҳлил қилиш ва аниқ вазиятларга асосан баҳолашга боғлиқ. Чоралар қанчалик даражада аниқ ишлаб чиқилса, унинг самарадорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Инқирозга қарши чораларнинг мақсади ва жорий вазиятга оид ҳолатдан келиб чиқиб, улар муайян йўналиш ва стратегияга асосланган бўлади. Банкротлик жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, инқирозга қарши чоралар:

- Кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга;
- Қарздор манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Сўнгги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни айтиш мумкинки, давлатнинг инқирозга қарши чоралари назариясини ривожланишига олиб келди. Бу назария бир пайтнинг ўзида амалиётда ҳам синалди. Масалан, глобал инқироз аксарият ривожланган мамлакатларда молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

Бугунги кунда давлатнинг инқирозга қарши чоралари йирик молиявий харажатларни талаб қилади. Чунки, бундай молиявий кафолатсиз инқироз билан курашиб бўлмайди. Инқирознинг сабаби қайси фаолиятга боришидан қатъий назар молиявий зарар билан яқунланади. Шу сабабдан ҳам инқирозни енгиш ва олдиндан бартараф этишда асосий омил инвестицияни назарда тутати. Зеро, президентимиз айтганларидек: *“Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб этишимиз даркор инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилашиш ҳам бўлмайди”* [4]. Молиявий харажатлар эса бевосита инқирозни ликвидация қилиш жараёнида инвестиция кўринишида акс этади.

Инқироз даврида дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилади. Уларнинг ҳажми ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиққан режалари ҳажмига асосланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида давлатлар ўзларининг бор имкониятларини ишга солиб тезроқ рецессия жараёнларини бартараф этишга ҳаракат қилдилар. Шу сабабдан, инқирозга қарши чораларни сўнгги глобал инқироз билан дунё мамлакатлари ўртасидаги кураш орқали ҳам изоҳлаш мумкин.

Унга кўра, давлатларнинг молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашларини қуйидаги тартибда кўришимиз мумкин:

1. Кредит маблағларига давлат кафолатини бериш;
2. Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар қўйиш;
3. Юқори рискли шубҳали активларни ҳарид қилиш;
4. Маҳсулот импорт қилинаётган давлатларга нисбатан протекционизм сиёсатини қўллаш;
5. Ички ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чораларини максималлаштириб иқтисодий салоҳиятни ушлаб қолишга интилиш ва ш.к.

Келтириб ўтилган чораларни дастлабки 3 таси давлатнинг молиявий салоҳиятини тиклаш ва молия институтларини ишончилигини ошириш чоралари ҳисобланса, кейингилари бевосита ишлаб чиқариш жараёнларини соғломлаштириш ва имкониятини сақлаб қолишга ҳаракат сифатида изоҳланади.

Глобал инқирозининг натижаларидан хулоса чиқарилса, иқтисодий ривожланган ва барқарорликни бир неча йиллардан буён ушлаб турган мамлакатлар дастлаб молиявий салоҳиятни ушлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Сабаби:

**Биринчидан**, инқироз шу давлатларда бошланган ва улар жаҳон иқтисодийнинг гигантлари ҳисобланади;

**Иккинчидан**, мазкур давлатлар гуруҳида ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш имкони кам, чунки, ишлаб чиқаришда чўққини забт этиб бўлинган;

**Учинчидан**, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий барқарорлиги бир қанча муддат ушлаб туриш уларни жаҳон бозоридаги мавқеига катта зарар етказмайди;

**Тўртинчидан**, корхоналар молиявий томондан таъминланиб турилмаса, ишлаб чиқариш жараёни тўхташи ва у катта иқтисодий талофатларга олиб келиши мумкин;

**Бешинчидан**, улар глобаллашув жараёнининг энг катта иштирокчилари ва ўз-ўзидан жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ҳам бениҳоя йирик, шу сабабдан, молиявий ричаглар ёрдамида ўз валюталарини қадр-қимматини ҳам ушлаб туришга мажбурдирлар.

Бошқа давлатлар асосан бу вазиятда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга ва экспортни рағбатлантиришга ҳаракат қилдилар. Чунки:

**Биринчидан**, улар жаҳон иқтисодиётида катта улушга эга эмаслар ва пайитдан фойдаланиб ўз улушларини оширишга интиладилар;

**Иккинчидан**, ишлаб чиқаришда ҳали чўққини забт этмаганлари учун салоҳиятни ошириш имкони мавжуд эди;

**Учинчидан**, глобаллашув жараёнида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув максимал эмас, бу эса инқироз таъсирини мазкур давлатларга нисбатан камайтирди. Шу сабабли, ишлаб чиқаришни ошириш қолган давлатлар учун айна муддао бўлди.

Ўзбекистон Республикасида эса инқирозга қарши чоралар ўзининг янги кўриниши ва амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг мантикий давоми сифатида ўрин олгани учун иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ва инқироз даврида катта синовдан муваффақиятли ўтишига сабаб бўлди.

#### Адабиётлар

- [1] Попов А. Финансовый кризис 2009. Как выжить? / А.Попов. – М.: АСТ; СПб.: Астрель-СПб, 2009. – 218 [б]с.
- [2] Антикризисное управление: Учебник. – 2-е изд., доп. и перераб./Под ред. проф. Э.М.Короткова – М.:ИНФРА – М, 2009. – 620 с. – (Высшее образование)
- [3] Колташов В. Кризис глобальной экономики. - 2009 , стр 21-23.
- [4] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 29 январь 2010 йилда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш” номли 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

## ТАСАВВУФ ВА КОМИЛ ИНСОН

Н. Холмирзаев, У. Эргашев

Фарғона политехника институти

(Қабул қилинди 5.05.2014 й.)

*Мақолада комил инсонни тарбиялаш жараёни ҳақида сўз юритилиб “Тасаввуф”да инсоннинг комилликка интилиши, ўзини маънавий жиҳатдан юксалтириб бориши, руҳни поклаш ва инсонларга мудом оқилона муносабатда бўлиш масалалари теран таҳлил этилади.*

**Таянч сўзлар:** *Комил инсон, тасаввуф, тарбия, шариат, ихлос, камтарлик, нафс.*

*В статье рассматриваются вопросы воспитания гармонично развитой личности, его духовное самоусовершенствование, анализируется его душевное очищение и разумное отношение к людям.*

**Ключевые слова:** *Гармонично развитая личность, мистика, воспитание, шариаты ислама, вера, скромность, искушение.*

*The article deals with matters of upbringing of harmoniously perfect person, his self-realization and soulful clarification, rational relation to people.*

**Key words:** *Perfect person, mystics, upbringing, laws of islam, trust, modesty, temptation.*

Юртимиз истиқлолга эришган дастлабки кунларданок мамлакатимизда баркамол шахс, комил инсонларни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилди. “Бугунги кунда ҳаётимизда

том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислохотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, ғурурланиб гапирсак арзийди,– деб таъкидлади мухтарам Юртбошимиз И.А. Каримов ҳақиқатан ҳам, бундан 12 йил олдин бошланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган “Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури” ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади” [1]. Дарҳақиқат, бундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида барча ёшларимизнинг замонавий билимларга эга бўлиши эътиборга моликдир.

Таълим-тарбия жараёнида миллий кадриятларимиз қаторида тасаввуф илмига ҳам жиддий эътибор қаратилаётир. Мутахассислар фикрича, тасаввуф илми суфийлик тушунчаси билан ҳамоҳангдир. У муқаддас динимиз бўлган исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот ҳисобланади. Тасаввуф сўзининг ўзаги ва мазмуни ҳақида олимлар турли фикр ва таҳминлар билдиришгани қатор адабиётларда қайд этилгандир. Улар орасида филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) “Тасаввуф” деб номланган иккита китоби алоҳида ўрин эгаллайди. Бу икки китобда “Тасаввуф”да инсоннинг комилликка интилиши, ўзини маънавий жиҳатдан такомиллаштириб бориши, руҳни поклаши ва инсонларга мудом оқилона муносабатда бўлиши теран таҳлил этилади. Тасаввуф таълимотида Шарқ шеърлятига алоҳида эътибор қаратилади. Умрини олимлик, мураббий ва мударрисликка бахшида этган Нажмиддин Комилов ўз асарларида тасаввуф илмининг адабиёт, маънавият, миллий кадриятлар билан чамбарчас боғлиқ жиҳатларини ўзига хос маҳорат билан ёритганки, уни мутолаа қилган инсон қалбида комилликка, камолотга интилиш туйғулари жўш уриши табиий ҳолга айланади.

Тасаввуфнинг мазмун-моҳияти, луғавий маъносига эътибор қаратсак, уни айрим мутахассислар “суф” – “жун”, “пўстин” сўздан олинган, дея талқин қиладилар. Маълумки, қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар, бу билан улар башанг кийиниб юривчи кимсалардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намоён этган бўлиши мумкин. “Тасаввуф” ва “суфий” сўзлари IX -асрнинг бошларида яшаган Абу Ҳошим Суфийдан бошлаб жорий этилгани ҳақида ҳам қатор манбаларда маълумотлар берилган. Ундан олдинги даврларда бу атама ўрнида “зухд” (яъни, “зоҳидлик”, “таркидунёчилик”), “тақводорлик”, “парҳезкорлик” каби сўзлари қўлланилган. Айрим тасаввуфчи олимларнинг фикрига кўра, саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги аср кишиларида ҳидоят, ибодат, тақво ва зоҳидлик каби ҳис-туйғулар мужассам бўлган. Лекин ҳижратнинг II-асри ва ундан кейинги даврга келиб, одамларнинг кўпчилигида мазкур хусусиятлар ўрнида дунёпарастлик, дин ишларига бепарволик, кибр ва риёкорлик каби салбий хусусиятлар пайдо бўла бошлагандан кейин обидлик ва зоҳидликни ихтиёр қилган бир гуруҳ кишилар тасаввуф ва суфийлик номи билан ажралиб чиққан эканлар. Ҳар бир даврда ҳам – ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган ақида ўз ифодасини топиб, тасаввуф илми шу тариқа тараққий этиб келгани ҳам аллақачон ўз ифодасини топгандир. Бинобарин, тасаввуф – ҳақиқат сари интилиш, одамлардан таъма қилмаслик ва фақирликни ихтиёр этишдир, деган фикр замирида улкан маъно мужассам. Сўфий бойлик истаб ўзини чарчатмас ва йўқотган бойлигига ачиниб, безовта бўлмаслик, деган фикр ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган. Тасаввуф – қалбни соф тутмоқ, туғма заифлик ва нохуш ахлоқлардан фориг бўлиб, ҳайвоний ва нафсоний туйғулар устидан ғалаба қилмоқ, деган куйма фикрлар замирида ҳам оламча маъно мужассам. Тасаввуф бир уй бўлса, шариат унга кирадиган эшикдир, деган таъриф ҳам эътиборга моликдир.

Инсонни комиллик сари бошловчи тасаввуф илми устида кўп йиллардан буён олимлар томонидан илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотчилар фикри ва хулосаларига кўра, тасаввуф таълимотидан кўзланган асосий мақсад – ислом шариати талабларини ҳам ихлос билан бажарган ҳолда зухд, тақво, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафсни поклаш йўли билан комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат.

Шуни айтиш жоизки, азалдан тасаввуф илмидан сабоқ берувчи шахс – муршид, пир, эшон, хўжа, мавло, мавлоно, маҳдум каби унвонлар билан таърифланган. Ўз навбатида тасаввуфдан сабоқ олувчи шахс – мурид, солих, аҳли дил, аҳли ҳол, мутасаввиф деб аталгани яхши маълум.

Тасаввуф илмида олий мақомларга эришган соҳибкаромат пирлар – валий, авлиё, қутб, ақтоб, автод, чилтон, абдол, аброр, аҳрор, мужабо, нуқабо, сиддиқ каби инсонни улуғловчи сифатлар билан эъзозланган.

Ҳар бир таълимот замирида оддий инсонларга албатта жиддий эътибор қаратилади. Тасаввуф аҳли баъзан ошиқ, фақир, ҳақир, дарвеш, қаландар, зоҳид, ориф, девона, аҳли муҳаббат, аҳли сулук, рижолул-ғайб, савдойи, гадо каби атамалар билан ҳам ифода этилгандир.

Айрим манбаларда қайд этилишича, тасаввуф истилоҳи асосида ижод этган шоирлар мажоз услубини танлаганлар. Шунинг учун ҳақиқат, мажоз, ташбеҳ, истиора каби мантикий қоидалардан бохабар бўлмаган китобхон Алишер Навоий, Фузулий, Атоий, Умар Хайём каби мумтоз адабиёт намояндаларининг шеърлари моҳиятини тўла англаб етиши қийин кечиши ўз исботини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тасаввуф тариқатларининг инсоният маънавиятини юксалтиришга қўшиб келаётган беназир ҳиссаси бутун дунё халқи томонидан эътироф этилса-да, баъзан ислом оламида тасаввуфга салбий назар билан қараш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай тоифадаги кимсалар тасаввуфнинг тариқатлари, машойихлари ва кароматларини инкор этишга ҳаракат қиладилар. Чунончи, Бурҳониддин ал-Бикоий (1406-1480) қаламига мансуб “Тасаввуф инқироzi”, Абдурахмон Димашқиянинг “Нақшбандия таҳлили” китоби ва бошқа манбаларда тасаввуфнинг барча тариқатлари ва уларга доир асарлар ҳамда машойихлар қаттиқ танқид қилинган. Уларнинг фикрича, азиз-авлиёларнинг мақбара ва мазорларини зиёрат қилиш ширк деб ҳисобланар эмиш. Ваҳоланки, уларнинг бу даъволари шаръан асоссиз эканлигини диншунос олимлар ўз вақтида асослаб берганлар. Ислום ҳуқуқшунослигида, яъни шаръий кўрсатмаларни амалга татбиқ этишда 4 та фикҳий мазҳаб бўлганидек, тасаввуфда ҳам бир неча тариқатлар шаклланган. Жумладан, тайфурия, жунайдия, ҳакимия, қодирия, яссавийлик, маломатийлар, рифоия, кубровийлик, суҳравардийлик, чиштия, акбария, шозилия, бектошия, мавлавия, нақшбандия каби тариқатлар илм аҳлининг мудом эътиборида.

Юртимиз мустақилликка эришганидан буён муҳтарам Президентимиз Ислום Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қадимий обидалар қаторида тасаввуф тариқатларини ўрганиш, унга доир асарларни таржима қилиш, атоқли машойихларнинг мақбараларини қайта қуриш ва таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истиқлол йилларида қанчадан-қанча буюк аждодларимизнинг муборак номлари тикланиб, қабрлари зиёратгоҳларга айлантирилди. Илму маърифатда ёрқин из қолдиришган Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Хованди Тоҳур каби кўплаб тасаввуф тариқатларига мансуб комил инсонлар ҳаёти ва бой маданий мерослари ўрганилмоқда.

Буларнинг барчаси чинакам комил инсонларнинг камолга етишлари учун маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилаверади.

#### Адабиётлар

- [1] Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. //Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
- [2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
- [3] Комилов Н., Тасаввуф (1-2 китоб), Т., 1999;
- [4] Жузжоний А. Ш., Тасаввуф ва инсон, Т., 2001;
- [5] Ҳаққулов И., Тасаввуф сабоқлари, Бухоро, 2000.



УДК 008.575.1

## ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДОЛЗАРБ ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФА СИФАТИДА

Ш. Аббосова

Фаргона политехника институти  
(Қабул қилинди 13.06.2014 й.)

Мақола ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш масалаларига бағишланган. Унда кейинги йиллар мобайнида баъзи салбий таъсирлар туфайли ёшлар орасида айрим ноқонуний хатти-ҳаракатлар, гарб маданияти маҳсулотларига берилиш каби ҳолатлар рўй бераётганлиги қайд этилиб, бундай иллатларга қарши курашишнинг йўли сифатида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишига эътиборни кучайтириш эканлиги асослаб берилган.

**Таянч сўзлар:** Ёшлар, бўш вақт, ёшларнинг бўш вақтини ташкил этиш, наркомания, оммавий маданият, субмаданиятлар, ёшлар манфаатлари, ёшлар сиёсати, меҳнат ресурслари, демографик вазият, ёшларнинг қизиқишлари.

Научная статья посвящена изучению вопросов эффективной организации свободного времени молодёжи. В ней затронуты некоторые негативные обстоятельства последних лет, которые являются результатом воздействия продуктов западной культуры на сознание современной молодёжи. В данном аспекте автор статьи высказывает свои мнения о путях борьбы против них и по содержательной организации свободного времени молодёжи.

**Ключевые слова:** Молодёжь, свободное время, организация свободного времени молодёжи, наркомания, массовая культура, субкультура, интересы молодёжи, молодёжная политика, трудовые ресурсы, демографическая ситуация.

The scientific article is devoted to studying issues of effective organization of leisure time of youth. It addresses some of the negative circumstances of recent years, which are the result of exposure to products of Western culture on the minds of today's youth. In this aspect, the author expresses his views on how to fight against them and meaningful organization of leisure time of youth.

**Key words:** Youth, leisure, leisure studies youth, addiction, mass culture, subculture, youth's interests, labor resources, demographic situation.

Мустақиллик туфайли жамиятимиз ҳаётидаги барча соҳаларда авж олдирилаётган туб ислохотлар, янгилаш ва модернизация жараёнларининг жадаллик билан содир бўлаётганлиги, кишиларнинг кўз ўнгида рўй бераётган барча ижобий ўзгаришлар ёшлар ҳаётини ранг-баранг ҳамда мазмунли ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадлари учун ҳам кенг имкониятлар очиб бермоқда. Натижада, айтиш мумкинки, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил қилиш ишларининг бугунги замонавий манзараси ҳам борган сари ўзгача қиёфа касб этиб борапти.

Ушбу жараёнларни жиддий ўрганиш ва уларга муносиб назар ташлаш оқибатида мустақиллик даврида бу борада қилинган ишлар асосан икки йўналишда амалга оширилганлигини илғаб олиш қийин эмас. Булар, биринчидан, бу йиллар мобайнида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида шакллантирилган анъанавий имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилингани бўлса, иккинчидан, мустақиллик қадриятлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда янги давр мазмуни билан ҳамоҳанг бўлган янги имкониятларни барпо этишга нисбатан ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигидир.

Таъкидлаш лозимки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил этиш имкониятларини ўрганиш жамият тараққиёти учун катта амалий аҳамиятга эга бўлганлиги боис кейинги йиллар мобайнида ушбу мавзу кўпгина жамиятшунос олимларимизнинг диққат марказида турибди.

Шунингдек мазкур муаммо жаҳон ёшларининг тараққиёти, ижтимоий ҳаётда ўзларининг муносиб ўрнини топиб олиши сингари ҳаётининг масалалар билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун халқаро миқёсдаги тадқиқот ишларида ҳам унга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, дунёнинг кўпгина халқлари ва давлатларида ушбу ёшга мансуб бўлган ўсмирлар ўртасида турли муаммоларнинг, жумладан, наркомания, жиноятчилик, айрим оқимлар таъсирига тушиб қолиш, оммавий маданият маҳсулотларини ўзлаштиришга нисбатан мойиллик, субмаданиятлар таъсирига берилиш, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларнинг кўпайиб бораётганлиги мутахассис ва олимлар томонидан бу муаммоларнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишга қизиқишнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Афсуски, кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бундай салбий иллатлар бизнинг жамиятимиз ҳаётига ҳам у ёки бу кўринишда кириб келмоқда ва айрим ёшларимизнинг онги ва дунёқарашига таъсир этиб, ҳатти-ҳаракатлари, ҳаёт тарзи, хулқ-атвори, жамоатчилик билан муносабатлари кабиларда мақсадга мувофиқ бўлмаган фазилатларни вужудга келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу масалага доимий равишда жиддий эътибор бериш лозимлигини кўрсатади.

Табиийки, бундай муаммоларнинг олдини олиш, қолаверса, ёшларни миллий анъана ва кадриятларимизга содиқ, юртимиз ва Ватанимизга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида, мамлакатимиз келажаги ва истиқболи масалаларига нисбатан бефарқ ва лоқайд бўлмаган инсонлар этиб тарбиялашда бугунги кунда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш айти пайтда ушбу йўналишда фаолият юритаётган маънавий-маданий муассасаларнинг имкониятларини янада кенгайтиришни ҳам тақозо этади.

Шу ўринда жаҳон ҳамжамияти томонидан ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб ёшлар муаммоларини ўрганиш бўйича аниқ-равшан мақсадга қаратилган сиёсат олиб борилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бунда, албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрни алоҳидадир. 1965 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “ Ёшлар ўртасида тинчлик идеалларининг халқлар ўртасида ўзаро бир-бирига нисбатан ҳурмат ва тўғри тушунишнинг тарқалиши тўғрисида Декларация”, 1985 йилнинг ”Халқаро ёшлар йили” деб аталиши муносабати билан ёшларнинг тинчлик, тараққиёт ғояларини амалга оширишдаги иштирокини режалаштиришнинг асосий тамойилларининг маъқулланиши, 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясига кўра ёшларга оид Бутунжаҳон ҳаракат Дастури каби ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши ушбу масалага нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг ҳам бефарқ эмаслигини кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан оқ келажагимиз пойдевори бўлган ёшларимизнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Умумжаҳон Декларациясининг эътироф этилиши, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ёшлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни йўлга қўйишда катта аҳамият касб этди.

Айниқса, Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан ҳар бир йилни алоҳида ном билан аталиши натижасида давлат ва бутун жамоатчиликнинг эътиборини муайян муаммони ҳал этиш учун жалб қилиниши ёшларга оид масалаларнинг ечимини топишда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Йилнинг қайси ном билан аталишидан қатъий назар, унинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган давлат дастурларида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг кадр-қимматини ўрнига қўйиш асосида муносиб турмуш фаровонлигини таъминлаш бош мезон сифатида қаралмоқда. Характерлиси шундаки, бунда, албатта, ёшлар манфаатларига ҳам ҳар бир дастурда жиддий эътибор қаратилган. Ушбу мақсадда ҳар бир дастурда бу масалага махсус бўлимлар ажратилиб, уларнинг муаммоларини давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантирилган ҳолда ҳал этиш учун ҳаракат қилиб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ва кенг қамровли Давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилганлиги, шунингдек, Республикамиз Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги махсус Қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури” қабул қилинганлиги эса

юртимизда ёш авлод тарбияси ва ҳаётига нисбатан алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан дарак беради.

Маълумки, мавжуд демографик маълумотларга қараганда, бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилаётган аҳолининг 65% ини 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Шундан, жами аҳолининг 32,7% и 15 ёшгача болалар бўлса, 9,4% и 16-19 ёшдаги, 10,9% и 20-24 ёшдаги, 8,7% и 25-29 ёшдаги, 7,4% и эса 30-34 ёшдаги ёшлардан иборатдир [1].

Бу борадаги статистик маълумотларни ўрганиш мавзуга оид бўлган эътиборли ҳолат мавжудлигини ҳам кўрсатади. Яъни мазкур маълумотларга қараганда Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркибида 15 ёшгача бўлган болалар ҳиссаси 1991 йилдаги 43,1% дан 2009 йилга келиб 32,7% гача қисқарган, ёки 20% га камайган. Бироқ 16-19 ёшлилар 8,1% дан 9,4% гача, 20-24 ёшлилар эса 8,8% дан 10,9% гача кўпайган. Бошқача қилиб айтганда, 90-йилларнинг бошларида туғилишнинг кескин қисқаришига қарамасдан Ўзбекистон аҳолисининг замонавий ёш таркибида нисбатан ёшроқ тоифалар устунлик қилади. Масалан, республика аҳолиси таркибида 30 ёшгача бўлган ёшларнинг ҳиссасига 62,1% и тўғри келади, шу жумладан, 16 ёшгача бўлган болалар 33,3% и, 16-29 ёшлилар эса 28,85% ни ташкил этади [2].

Албатта, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг тобора ёшариб бораётганлиги мамлакатда меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг зарурий демографик асосини таъминлайди, унинг асосий қисмини меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли ташкил этади. Қуйидаги статистик далиллар эса ушбу фикримизни яққол тасдиқлайди, яъни маълумотларга қараганда, 19 йил мобайнида (1991-2009 йй.) меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ҳиссаси қарийб 11% га ўсган ва бугунги кунда деярли 60,1% ни ташкил этмоқда. Ушбу даврда, маълум бўлишича, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик болалар салмоғи 10,4% га қисқарган ва ҳозирги кунда 32,7% ни ташкил этмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар йиллик мутлақ ўсиши ҳозирги пайтда ўртача 441,5 минг кишини, унинг йиллик ўсиш суратлари эса 2,7% ни ташкил этмоқда, бу эса Ўзбекистон бутун аҳолисининг ўсиш суратларидан деярли 2 марта кўп [3].

Гарчи статистик маълумотлар Ўзбекистонда йилдан-йилга иқтисодий фаол аҳоли миқдорининг ўсиб бораётганлигини кўрсатса-да, бироқ ёшлар ўртасида дуч келинаётган турли муаммоларнинг мавжудлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Гап шундаки, иқтисодиёт соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар билан бирга ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам ёшлар иштироки ва улушининг ошиб бораётганлиги, айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашда жиддий муаммолар борлиги, ушбу жойларда уларнинг бўш вақтларини ташкил қилиш имкониятлари анча чекланган эканлигини ҳам тан олмасдан бўлмайди. Шундай экан, ушбу демографик маълумотлар Республикаимизда ўсмир-ёшлар муаммоларини чуқур ўрганиб бориш билан бирга уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш имкониятларини доимий кенгайтириб бориш масалаларига ҳам мунтазам равишда эътиборни қаратиб бориш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги даврга келиб юзага келган ижтимоий-маданий вазият жамиятнинг маънавий ҳаётида амалга оширилаётган катта ижобий ислохотлар ва янгиланишлар билан бирга, афсуски, бир қатор ёшларда маънавий-ахлоқий қадриятлардан бегоналаниш, маданият ва санъат намуналарига нисбатан лоқайдлик кайфиятини вужудга келтирмоқда, маънавий-маданий муассасалар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг пасайиб кетиши каби салбий хусусиятлар кўзга ташланмоқда.

Бозор муносабатларига асосланган демократик тараққиёт босқичига ўтиш эса мазкур тоифадаги муассасалар фаолиятини мазмунан бойитиб бориш, уни амалга ошириш усуллари ва воситаларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, бўш вақтни самарали ўтказишнинг янги технологияларини излаб топишга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини тақозо этади.

Ушбу муассасаларнинг асосий вазифаси шахснинг ижтимоий фаолиятини ва ижодий имкониятларини ривожлантиришдан иборатдир.

Афсуски, жамиятдаги мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик, маданий муассасаларнинг етишмаслиги ва ёшларнинг бўш вақтини ташкил этишга нисбатан эътиборнинг талаб даражасида эмаслиги оқибатида баъзи ҳолларда ёшлар ўртасида турли деструктив кучлар таъсирига берилиш ёки ноформал ёшлар институтларининг вужудга келиб қолаётганлиги ҳоллари ҳам учрамоқда.

Бўш вақт ёш авлод шахсини шакллантиришнинг муҳим воситаларидан биридир. Бўш вақтдан тўғри фойдаланиш, уни онгли ва оқилона ташкил қилиш ёшлар маданияти, уларнинг маънавий эҳтиёжлари ва қизиқишлари доирасининг ўзига хос ўлчови бўлиб хизмат қилади. Кўпчилик ёшлар учун бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун мўлжалланган муассасалар фаолияти уларнинг ижтимоий-маданий имкониятларини намоён қилишнинг етакчи соҳалари ҳисобланади.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш жараёнларини кузатиш шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда мусиқа, рақс, турли ўйинлар, ток-шоу ва КВНлар уларни кўпроқ қизиқтираётган ҳордиқ шакллари ҳисобланади. Бироқ барча ҳолларда ҳам маънавий-маданий муассасалар ўз фаолиятини ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб ташкил этишмоқда, деб бўлмайди. Бугунги кунда замоннинг шиддат билан ўзгариб бораётганлиги эса бу борадаги мутасадди соҳа ходимларидан нафақат ёшларнинг қизиқишларини ҳар томонлама ўрганишни, балки уларнинг ривожланиб бориш тенденцияларини диққат билан кузатиш асосида рўй бераётган ўзгаришларни олдиндан кўра олиш, тезкор равишда чоралар кўриш, бўш вақтни самарали ташкиллашнинг янги шаклларидан ўз вақтида қўлланиш лозимлигини ҳам кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам маънавий-маданий муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириб бориш ўсмир-ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил қилиш борасидаги имкониятларни кенгайтиришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Буни ҳал этиш эса янги талаб ва шароитларда ушбу муассасалар фаолияти, уларда хизмат кўрсатаётган ходим касби ва маҳоратига ёндашувлар, мазкур муассасалар фаолиятини режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган концепцияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишнинг барча йўналишлари бўйича фаол иш олиб борилиши кабилар билан узвий боғлиқдир.

### Список литературы

- [1] Демографический ежегодник Узбекистана. 1991-2003г. Гос Ком. Рес. Уз. по статистике. – Ташкент, 2004;
- [2] Образование Узбекистана: статистический сборник. Гос Ком.Рес.Уз. по статистике. – Ташкент, 2008.
- [3] Труд и занятость. 2009. Статистический сборник. Гос Ком. Рес. Уз. по статистике. – Ташкент, 2009. С.22

## БАРКАМОЛ АВЛОД – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Н. Собиров, А. Акбаров

*Фаргона давлат университети  
(Қабул қилинди 08.09.2014 й.)*

*Мақолада “Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўрсатилган баркамол авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.*

**Таянч сўзлар:** *баркамол авлод, соғлом бола, тиббий муассаса, скрининг ва перинатал марказ, диний маърифат, маънавий – ахлоқий тарбия, спорт билан мунтазам шуғулланиш.*

*В статье освещаются значение физического воспитания и спорта в формировании всестороннего развитого поколения, которые указаны в Государственной программе «Годом здорового ребёнка».*

**Ключевые слова:** *всесторонне развитое поколение, здоровый ребёнок, медицинское учреждение скрининг и перинатальные центр, религиозное просвещение, духовно – этическое воспитание, систематическое занятие спортом.*

*This article is about the role of physical training and sport in formation of harmonic developed generation, which was indicated in State Program of the “Year of Healthy Child”*

**Key words:** *harmonic developed generation, healthy child, medical establishment, screening and perinatoneal center, religions enlightenment, spiritual - ethic upbringing, systematic sport training.*

Мамлакатимизда жисмоний соғлом маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантириш мақсадида республикамизда кўлами ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2014-йилни юртимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ва унга асосан Давлат дастурининг қабул қилиниши бу борадаги бажариладиган эзгу ишларнинг мантиқий - амалий давомидир.

Давлат дастури етти бўлим, 125 банддан иборат бўлиб, уларда бола туғилиши, таълим тарбияси, оилада яратиладиган соғлом муҳит, унинг иқтисодий ва маънавий – ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган. Бунда, аввало, қонунчилик ва меъёрий – ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш учун қулай ташкилий – ҳуқуқий шароитларни яратишга қаратилган янги меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб – улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини ҳисобга олиб уларнинг ўта муҳим ва ҳал қилувчи мезонларни қуйидаги беш асосий гуруҳга бўлади.

Биринчидан, соғлом бола аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Бир оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оддийлик, меҳр – оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта эканлиги ҳаммамизга аён. Дастурда оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари - бу скрининг ва перинатал марказлари бўладими, аёллар тиббий консултациялари, туғруқхона комплекслари бўладими, гинекология ва потронаж хизматлари, ҚВП бўладими - уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб- ускуналар, малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларимизни кучайтириш ўз ифодасини топиши керак.

Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим- тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим. Дастурда бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот – коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари қамраб олинган.

Айни пайтда, “Соғлом бола йили” нинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизда, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб, амалга оширишимиз лозим.

Тўртинчидан, ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб борилаётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт.

Бешинчидан, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган халқ мақолида албатта чуқур маъно мужассам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий – ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, хушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади [1].

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларидан бирида “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги

конунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, рухий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймаслигининг таъсирчан ташкилий ҳуқуқий механизмлари ҳақида фикр боради.

Ҳозирги кунда халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали даврда маънавий ва маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, ёнатрофимизда юз бераётган воқеа – ходисаларга даҳлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч – осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришни тақозо қилмоқда.

Шундай экан, Республикамиз ўз ривожланиш йўлидан тезроқ бориши учун ёшларимиз маънавиятини, турмуш тарзини, миллий ғурур, жисмоний камолотни муттасил юксалтириб бориш зарур бўлади. Бинобарин, маънавий жиҳатдан қолоқ, жисмонан заиф мамлакат ҳеч қачон буюк мамлакат бўла олмайди.

Баркамол авлодни тарбиялаш ўз навбатида таълим – тарбия жараёнида ақлан ривожланган, маънавий – ахлоқан шаклланган, жисмонан етук, муайян касб – ҳунар асосларини эгаллаган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашни тақозо этади.

Баркамол авлоднинг дунёқарашини шаклланишида Давлат дастурида таъкидланганидек, жисмоний тарбияни ўрни беқиёсдир. Соғ танда соғ ақл, деб бежиз айтишмаган. Спорт билан доимий шуғулланиш ёшларда барча аъзоларни соғлом бўлиши билан уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга тайёрлайди. Чунки, жисмоний қувват фақатгина зийраклик, чаққонлик, ирода, қобилият ва ақлий теранлик билан шаклланади. Кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш самарадорлигини оширади, узоқ умр кўришига ёрдам беради.

Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг инсон саломатлигига таъсири катта эканлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Доимий жисмоний машқлар шахс жисмоний камолотига ижобий таъсир этиши билан биргаликда, шахснинг маънавий - ахлоқий тарбиясига ҳам ижобий таъсир этади. Спортнинг эркин кураш, кўпқари, футбол, волейбол, баскетбол каби турлари ҳаллолик, поклик, рақибга нисбатан одиликка ўргатади. Парашют спорти, альпинизм, югуриш, бокс ва каратэ турлари эса кишининг танаси-ю руҳини тарбиялаш, ўз устида ишлаш, яширин ички имкониятлардан фойдаланишга ўргатса, биллиард, шахмат, шашка каби спорт турлари билан шуғулланиш инсон ақл – заковатини чархлайди. Жисмоний тарбия билан доим шуғулланишнинг яна бир асосий хусусияти шундаки, инсон турли хил ялқовлик, ишёқмаслик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, жиноятчилик, ҳар хил диний экстремистик оқимларга берилиш ва бошқа иллатлардан сақланади, соғлом турмуш тарзини кечиради.

Ҳаммамизга маълумки, инсон ҳаракат билан тирик: Бу тирикликнинг асосини эса табиийки жисмоний ҳаракат ташкил этади. Жисмоний маданият, таълим – тарбия кенг маънода, инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларни рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниктириб юксалтириб борувчи жараёндир. Бу ҳақида таниқли олим Т.Махмудов: “Жисмоний маданиятдан тобора узоқлашиб борган сари киши ўз умрига ўзи болта уради. Унда лоқайдлик, ғояпарварлик, дангасалик, ишёқмаслик, оқбилаклик, текинхўрлик сингари хунуклик аломатлари кучаяди” деб таъкидлайди. Спортнинг бирор тури билан доимий шуғулланиш ҳар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбиялаш, куч – қувват ва кўркамликни сақлаб туришини ижобий воситаси деб билишимиз зарур.

Истиқлол йилларида бу олижаноб мақсад йўлида микёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Республикамизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайи учун барча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш,

баркамол авлодни шакллантиришининг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

2013 –йилда болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилиб, 113 та спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Болаларга спорт объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, дейди давлатимиз раҳбари.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали муррабийлар билан таъминланаётганлиги туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда.

- Болалар учун барпо этилаётган ҳар бир иншоотни қалб кўримизни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, - дейди Президентимиз [2].

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида юртбошимизнинг куйидаги сўзлари фикримизнинг исботи дейиш мумкин.

“Бизнинг мана шу қисқа – йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда юртимизни турли бало-қазолардан асрайди, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил – бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватамизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан” [3].

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида юртимизда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирда ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом ва кўркам бўлишга интилиш тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Юртбошимиз ташабусси билан ташкил этилган уч босқичли спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада мусобақалари” ёшларни спортга кенг жалб қилиш, профессионал спортчиларни етиштириб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида қизларнинг кўплаб спорт турлари, жумладан, бадий гимнастика билан шуғулланиши учун барча имкониятлар яратилди. Вилоятда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 112 минг нафардан ортиқ қиз мунтазам спорт ва жисмоний соғломлаштириш гуруҳларига жалб этилган. Бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ва бошқа спорт турлари билан шуғулланаётган қизлар сафи ортиб бормоқда. 2004 йили Фарғона вилоятида 60 нафар қиз бадий гимнастика билан шуғулланган бўлса, жорий йилга келиб спортнинг ушбу нафис турига меҳр қўйган ва у билан мунтазам шуғулланаётган қизлар 4500 нафардан ошди. 300 нафарга яқин қиз эса сузиш ва синхрон сузиш билан шуғулланаёттир.

Бундан ташқари, қишлоқ қизлари ўртасида ҳам бадий гимнастика тобора оммавийлашиб бормоқда. Ўзбекистон, Бешариқ, Бувайда, Қува, Фарғона туманларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадий гимнастика бўлимлари ташкил этилиб ўз фаолиятини бошлади [4].

Демак, баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналиши экан, спорт ва соғлом оила – соғлом бола ва соғлом жамият асоси бўлади. Бу ҳақида сўз борганда юртбошимизнинг ушбу сўзлари сиз-у бизга дастурил амал бўлади, деб ўйлаймиз. “Соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит – қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Шундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади”.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида фарзандларимизнинг баркамол авлод сифатида вояга етиб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қилиш, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашимиз йўлида ўз куч – ғайратини, билим ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини сафарбар этишда пойдевор бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз.

### Адабиётлар

- [1] И. Каримов. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш –ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Маънавият. 2013 йил 11 декабр, №23.
- [2] Халқ сўзи, 2014йил 29 январ.
- [3] Маънавият, 2013йил 11 декабр.
- [4] Маънавият, 2013йил 25 май.



УДК 621.9

ЭКОТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

И.Н. Сайдалиев, Н.Ю. Тошланов

Андижон машинасозлик институти  
(Қабул қилинди 18.02.2014 й.)

*Ушбу мақолада ривожланган давлатларнинг туризм соҳасида эришган ютуқлари келтирилган бўлиб, мамлакатимизда туризм соҳасида олиб борилаётган ишлар, экотуризмни ривожлантириши истиқболлари, транспорт тизимининг туризм соҳасидаги тутган ўрни баён этилган.*

**Таянч сўзлар:** сектор, экотуризм, муқобил энергия, М2, М3, Н2, Евро-3.

*В данной статье приведены достижения достигнутые в сфере туризма в развитых странах, проводимые работы в сфере туризма и перспективы развития экотуризма в нашей стране, а также роль транспортных средств в сфере туризма.*

**Ключевые слова:** сектор, экотуризм, альтернативный энергия, М2, М3, Н2, Евро-3.

*The achievements reached in tourism sphere in developed countries, conducted works in sphere of tourism and development of ecotourism perspectives in our country, and also a role of vehicles to tourism sphere are resulted in the article .*

**Key words:** sector, ecotourism, alternative energy, M2, M3, H2, Euro-3.

Мамлакатимизда туризм соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг маълумотларига кўра, 2010 йилда туризм сектори томонидан ишлаб чиқарилган хизматлардан (тегишли транспорт хизматлари билан бирга) кўрилган даромад 1 трлн. АҚШ долларидан кўпроқ бўлди. Туризм жаҳон хизматлар экспортида 30 %, ялпи экспортда эса 6 % ҳиссани эгаллаб келмоқда (Манба: UN WTO Tourism Highlights, 2011 Edition). Туризм секторидаги даромад ҳажмининг ошиб бораётганлиги ушбу секторга инвестициялар киритишни, хизматлар турини ва уларнинг сифатини ошириб боришни, янги йўналишлар очишни жозибадор қилади. Экотуризм ҳам устувор йўналишлардан бирига айланиб бораётганлиги сабабли, бир қанча ривожланган давлатлардаги туризм соҳасида тажрибаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўзида катта тажрибаларга эга бўлган Испания давлатига назар ташласак, Испанияда туризмнинг жадал ривожлана бошлаши ўтган асрнинг 60-70-йилларига тўғри келади. 2010 йилда Испанияга ташриф буюрган туристлар сони 53 млн. га яқин бўлди. Бу кўрсаткич билан Испания жаҳон рейтингда 4-ўринни эгаллаб, сўнгги йилларда туризм соҳасида жадал ўсиш кузатилаётган Хитойга ўз ўрнини бўшатиб берди. Испания туризм бозоридаги даромад ҳажми 52,5 млрд. долларни ташкил этиб, бу жаҳон бўйича иккинчи ўрин деганидир [1].

Туризм соҳаси бўйича жаҳон тажрибасидан қўлга киритилган киритилган ютуқларини ўрганишдан мақсад мамлакатимизда ҳам шундай ютуқларга эришишдир.

Мамлакатимизда ҳам мана шундай кўрсаткичларга эришишса бўладими?, деган савол туғилади. Албатта эришиш мумкин, бунинг учун экотуризм бўйича жаҳон тажрибаси ва ички имкониятларимиздан унумли фойдаланишимиз керак. Мисол учун, Испанияда экотуризмни ривожлантиришга қаратилган илк саъй-ҳаракатлар 1990-йилларга тўғри келади. Аини пайтга келиб, мамлакатда экотуризмга таянч бўлувчи бир қанча омилларни санаб ўтиш мумкин.

Биринчи: муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш. Испания жаҳонда шамол энергияси ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринда турибди. Мамлакатнинг турли ҳудудларидаги яйловларда ўрнатилган йирик шамол турбиналари ўзига хос жозиблага эга бўлиб, машҳур Дон Кихот тўғрисидаги асарни эсга солади. Ушбу ҳудудларга саёҳатларни таклиф қилиш, улар бўйлаб велосипед турларида чиқиш тобора оммалашиб бормоқда.

Иккинчи: маданий туризм масканларининг реклама қилинишида уларнинг экологик жиҳатларини ҳам таъкидлаб ўтишга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Барселона ва Мадридда муқобил энергия манбаларидан фойдаланилаётганлиги, транспорт, овқатланиш ва бошқа хизмат турларини таклиф қилишда экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланилганлиги билдириб ўтилади. Дейлик, Барселонаниннг Эл Прат аэропортида қуёш

иситгичлари қўлланилаётганлиги, ойналар куёш нуридан максимал фойдаланиш мақсадига мос равишда ўрнатилганлиги аэропорт тўғрисидаги маълумотномада алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бунинг билан Барселонанинг экологик жиҳатдан тоза шаҳар эканлигига урғу бериш мақсад қилинган. Мадридга саёҳат қилувчиларга шаҳар ташқарисидаги Каса де Кампо ва Кампо дел Моро каби “яшил маскан”ларга чиқиб келиш таклиф қилинади. Мадрид Европадаги барча пойтахт шаҳарлар ўртасида энг кўп кўкаламзорлаштирилган ҳудудларга эга эканлиги маълум.

Учинчи: тижорат мақсадида куёш электростанцияси фаолияти орқали карбонатсиз шаҳарча, экологик парклар, кўриқхоналар табиат кўйнида дам олмақчи бўлганларга барча шароитни таклиф қилади.

Тўртинчи: экологик тоза яшаш шароитларининг таклиф қилиниши. Экологик туризмнинг устувор йўналишларидан бири яшаш жойларида экологик хизматларнинг мавжудлигидир. Испаниядаги меҳмонхоналарнинг бир қанчаси “Яшил дунё” (Green Globe), “Барқарор туризм сертификати” (Sustainable Tourism Certificate) каби тан олинган сертификатларга эга. “Камайтир, қайта фойдалан, қайта ишла” (“reduce, reuse, recycle”) тамойиллари кўплаб меҳмонхона занжирларида амал қилади. Барселонада жойлашган Urbanu меҳмонхонаси шовқинни тўсувчи қоплама билан қопланган. Меҳмонхонада ёмғир сувларини, шунингдек меҳмонхонада ишлатилган сувнинг 50 %гача бўлган қисмини қайта ишлаш амалиёти жорий қилинган. Наварра вилоятида меҳмонхоналарда куёш ва шамол энергиясидан кенг фойдаланилади.

Бешинчи: Транспорт тизимида илғор технологияларнинг қўлланиши. Бир қатор мутахассислар Испаниянинг юқори тезликли AVE поездларининг ҳаракати кундалик ҳаётга ижобий таъсир қилаётганлигини таъкидлашади. Мадриддан Барселонагача бўлган масофани ушбу поездларда тахминан икки соату қирқ дақиқада босиб ўтиш мумкин. AVE тармоғининг кенгайиб боравериши билан бирга, 2020 йилга келиб Испания аҳолисининг 90% и ушбу юқори тезликли поезд станцияларидан 50 км радиусда яшаши режалаштирилган. Жамоат транспорт воситалари асосан биоёқилғи, этанол ва электр энергиясида ҳаракатланмоқда. Асосий туризм масканларида саёҳларга велосипедлар ижараси таклиф қилинмоқда. Масалан, Севильянинг ўзида велосипедларни олиш ва ташлаб кетиш учун 250 дан ортиқ пунктлар фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган омилларнинг аксарияти мамлакатимизда туризм тизимида фаолият кўрсатмоқда. Айримларини жаҳон тажрибасидан ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун:

-муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биргина мисол, Самарқандда жорий қилинаётган куёш энергиясидан электр энергиясини олиш ва истеъмол қилиниши шаҳарда эколог тоза яшаш ҳудудларини кенгайишига олиб келади. Бундай муқобил энергиядан меҳмонхоналарда қўлланилиши ташриф буюрган меҳмонларни эътиборини жалб қилади.

-маданий ёдгорликларимиз ва туризм масканларининг экологик жиҳатдан тоза яшаш ҳудуд эканлигини алоҳида таъкидлашимиз керак.

-туризм масканларида сайёҳларга велосипедлар ижараси таклиф қилиниб, велосипедларни олиш ва ташлаб кетиш учун махсус пунктлар ташкил қилишимиз керак.

-транспорт тизимида катта ютуқларга эришилмоқда десак, муболаға бўлмайди. Тошкент–Самарқанд–Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” поездининг ишга тушиши кўпчилик сайёҳларнинг ва аҳолининг юқори қулайликда, тез фурсатларда манзилига етиб олишига имкон яратди.

-шаҳар ичида ҳаракатланаётган жамоат транспортларини электр энергиясида ишловчи транспортларга алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

-маданий туризм масканларининг реклама қилинишида уларнинг экологик жиҳатларини ҳам таъкидлаб ўтишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Масалан, Самарқандда муқобил энергия манбаларидан фойдаланилаётганлиги, транспорт, овқатланиш ва бошқа хизмат турларини таклиф қилишда экологик тоза маҳсулотлардан

фойдаланилганлиги билдириб ўтилади. Шу билан бирга экологик жиҳатдан тоза шаҳар эканлигига урғу бериш мақсад қилинган. Саёҳат қилувчиларга шаҳар ташқарисида “яшил маскан”ларга чиқиб келиш таклиф қилинади.

Экотуризмни ривожланишида ҳамда экологик тоза яшаш ҳудудларни кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган бензин ва дизел моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «Н2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини 2010 йил 1 январдан "Евро-3" талабларига мос келмайдиган автотранспорт воситаларини олиб кириш ман этилди.

Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қўйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суялтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Тошкент автомобил йўллари институти мутахассислари томонидан Ўзбекистон Республикасида экологик барқарор транспорт стратегияси, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий стратегияни тайёрлаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, турли жамоат ташкилотларига бирлашган ҳолда фаолият кўрсатувчи кўнгиллилар ҳам экотуризмнинг ривожланишига ўз хиссаларини қўшиб келишмоқда. Умуман олганда, Республикамизда экологик туризмни ривожлантириш амалиёти, бу соҳада илгаридан мавжуд бўлган ёки кейинчалик шакллантирилган бир қатор омилларга таяниш билан бир қаторда, ушбу масалада аҳолининг, сайёҳларнинг, маҳаллий ва миллий миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бир-бирига уйғунлашишига, аҳолида экологик туризм маданиятининг шаклланиши ва тарғиб қилиниши ҳам муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

### Адабиётлар

- [1] [www.ecoharakat.uz/](http://www.ecoharakat.uz/) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборот хизмати. 2013 й, 5 бет.

УДК 656.13.022.845.007.16

## АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

А.М Саримсақов

*Андижон машинасозлик институти  
(Қабул қилинди 18.02.2014 й.)*

*Автомобиль транспорти уюшмаларининг фаолияти, улардан автотранспортларни ижарага олиш ва бериш бўйича муносабатлардаги муаммоларни ечиш йўллари таҳлил қилинган. Уларни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.*

**Таянч сўзлар:** *хизматлар, автоуюшмалари, ташувчи, ижара, шаффофлик, модель, тариф, такси.*

*В данной работе анализированы проблемы в деятельности автотранспортных советов и пути решения вопроса арендных отношений автотранспорта, а также разработаны рекомендации по их дальнейшему совершенствованию.*

**Ключевые слова:** *услуги, автосоветы, перевозчик, аренда, прозрачный, модели, тариф, такси.*

*The problems of activity motor transportation councils and the ways of problem decision of rent relations of motor transport are analysed and the recommendations about their further perfection are developed in the work.*

**Key words:** *services, autocouncils, a carrier, rent, transparent, models, tariff, taxi.*

**Кириш.** Вазирлар Маҳкамасининг 9 март 2006 йилдаги 138-сонли қарори билан “Автомобиль транспорти уюшмаларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу қарордан мақсад шуки, автоташувчиларни расмий ташкил этилган уюшма автомобиль транспортини ва унинг ҳайдовчисини ҳолатини аниқлаб, ишга яроқли бўлсагина ишлашга рухсат беради, акс ҳолда йўловчи ташиш жараёнига киритилмайди. Бу билан йўловчилар ҳаёти расмий ва қонуний жиҳатдан ҳимояланади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда [2].

**Ишнинг долзарблиги** 2013 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 53 фоизни ташкил этди [1]. Автомобиль транспорти уюшмалари фаолиятини ривожлантириш билан мамлакат миқёсидаги транспортлар хизмат бозорида сон ва сифат ўзгаришларига эга бўлинади. Лекин шу кунда уюшмаларда бир қатор муаммолар мавжуд бўлгани уларни такомиллаштириш йўллари топиш билан ташиш ҳажминини ошириш масаласи шу кунда долзарб ҳисобланади.

**Мақсад ва вазифалар.** Ҳозирги кунда уюшмада ўз хусусий автомобилида йўловчи ташувчилар фаолият кўрсатадилар. Бу улар фаолиятини самарадорлигини ошириш ва йўловчиларга яратилаётган шароитни яхшилашга хизмат қилади. Уюшманинг вазифаси хусусий автоташувчиларни лицензион талабларга мослигини таъминлаш ва назорат қилишдир. Уларнинг фаолияти асосан, хусусий мулкдаги ташувчилар фаолияти билан боғлиқ. Транспорт хизмати бозоридаги асосий муаммо ресурсларнинг нархи ўзгариши билан иқтисодий ҳолатни таҳлил қилиб чора кўришдир. Уюшманинг шу кундаги **муаммоси** ижарага олиш ва бериш қоидаларини такомиллаштириш, уларга транспортини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш, ёнилғи билан узлуксиз таъминлаш масалаларидир.

**Муаммолар ва уларнинг ечими (масалани қўйилиши)** Автоуюшмалардаги муаммолар: автоташувчиларни турли ҳудудларда туриши, ишга кеч қолиши, улардан ички тартиб қоидалар тўғрисидаги қарорга риоя этиш талаб қилинса, унинг таркибидан чиқиб бошқа уюшмага ўтиб кетиши ёки тартибсиз фаолият кўрсатиши, ёнилғи билан таъминлашга вақтнинг кўп сарфланиши, ижарага олиш ва бериш қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари, кунлик тўловларни кечиктириб тўлаш, ҳаракатдаги таркибни соз қабул қилиб бузук ҳолатда ташлаб қўйиш кабилар мавжуд. Қандай қилиб уюшма муаммоларини бартараф қилиш ва ижара муносабатларини такомиллаштириши мумкин? Ижарага олиш ва бериш жараёнида кўпинча олувчи ва берувчилар ўртасидаги шартнома шартларини шаффофлигини таъминлаш ҳамда ижара тўловини холис белгилаш, ижарага олувчини ва берувчини таснифини билишдир. Изланишлар **мақсади**- автоуюшма фаолиятидаги муаммоларни ҳал қилиш ва автомобилларни ижарага бериш услубини такомиллаштиришдир.

Янги бажарилган ишлар мазмуни шундаки, ижара тўловини холис белгилаш учун уларга ташиш жараёнига мос бўлган тарифни ҳисоблаб чиқиб, олувчи ва берувчиларни мурасага келтириш учун яратилган моделни ижара вазиятига мослаштиришдир [3]. Бу модел албатта ҳар бир бозордаги ўзгарган ресурс нархи ва ижарачи (ижарага олувчи ва берувчилар)ни истакларидан келиб чиқиб бозордаги кўзга кўринмас “қўл” қарорига амал қилишни таъминлайди. Бунинг учун қуйидаги моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, йўналишсиз таксилар учун ҳар бир километр кира ҳақи қуйидагича ҳисобланади. Йўналишсиз таксиларда йўловчи ташиш тарифини ҳисоблаш, мавжуд ҳаракатдаги таркибни 1 км йўли, 1 йўловчи, 1 ткм, 1 маш соат учун ҳисоблаш мумкин. Йўналишсиз таксиларда йўловчи ташиш жараёнида 1 тўловли йўлни ҳосил қилиш учун қанча умумий йўл юришлиги амалий ҳолатдан келиб чиқиб меъёрлаб аниқланади.

ξ -Йўналишсиз таксиларни бир иш бирлигига тўғри келадиган йўлни билдиради.

$$\xi = \sum L_{ум} / \sum L_{тўл} ;$$

Таъриф Д1 қуйидагича топилади:

$$D1 = m_1 + X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5 + X_6 + X_8 + X_9$$

1) Барча ташиш турлари учун хайдовчи маош сарфи. Бир соатлик маош сарфи  $m$  қуйидаги формула билан топилади.

$$m_1 = \xi * m_y / v_u; \text{ сўм/ км.}$$

$$m_y = 1,48 \text{ м; сўм/ км.}$$

$$m = M / F * K; \text{ сўм/ км.}$$

$M$  – хайдовчининг ойлик маоши; 600000 сўм.

$F$  – ойлик баланс соати 169,2

$K$  – район коэффициенти 1,15

$v_u$  – 30 км/соат.

2)  $X_1$  – ёнилғи сарфи.

$$X_1 = k \ddot{E}_{100} / 100 * N_1 * K_2 * \xi; \text{ сўм/ км}$$

$K_2$  – киш даврини ҳисобга олувчи коэффициент 1,03;

$\ddot{E}_{100}$  – 100 км йўлга ёнилғи меъёри 8,6 м3;

$N_1$  – 1 литр ёнилғи нархи. 975 сўм/м<sup>3</sup>

3) Мой ва мойлаш материаллари сарфи.

$$X_2 = X_{21} + X_{22} + X_{23} + X_{24}; \text{ сўм/ км}$$

$$X_{21} = M_{100} N_m * \ddot{E}_{100} * \xi; \text{ сўм/ км}$$

$$X_{22} = T M_{100} N_T * \ddot{E}_{100} * \xi; \text{ сўм/ км}$$

$$X_{23} = S M_{100} N_T * \ddot{E}_{100} * \xi; \text{ сўм/ км}$$

$$X_{24} = M_{1000} * \xi; \text{ сўм/ км}$$

$N_m$  – 1 л мой нархи 13000 сўм.

$M_{100}$  – 100 ёнилғи учун мой сарфи меъёри (2,4 л/100л) 0,024-енгил автомобил.

$N_T$  – 1 л трансмиссион мой нархи 15000 сўм.

$T M_{100}$  – 100 л ёнилғи учун трансмиссион мой сарфи меъёри (0,003).

$N_c$  – 1 кг теник вазелин нархи. 30000 сўм.

$S M_{100}$  – 100 л ёнилғи учун теник вазелин меъёри (0,003).

$M_{1000}$  – 1000 км пробег учун майда лампочкалар материаллар сарфи меъёри (12000 сўм).

4) Ҳаракатдаги таркибни ишлатишга тайёрлаш  $X_3$  сарфи.

$$X_3 = X_{31} + X_{32} + m_2; \text{ сўм/ км.}$$

a)  $X_{31}$  – эҳтиёт қисмлар сарфи

$$X_{31} = M_{\text{ЭХК}} * K_3 * \xi / 1000; \text{ сўм/ км.}$$

$M_{\text{ЭХК}}$  – 1000 км пробег учун эҳтиёт қисм сарфи. 27000 сўм.

$K_3$  – йўл шароитини ҳисобга олувчи коэффициент.

I категорияли йўл учун  $K_3 = 1,0$

II va III категорияли йўллар учун  $K_3 = 1,1$

IV va V категорияли йўллар учун  $K_3 = 1,2$

б)  $X_{32}$  – материал сарфи

$$X_{32} = M_{\text{мат}} * K_3 * \xi / 1000; \text{ сўм/ км.}$$

$M_{\text{мат}}$  – 1000 км пробег учун материал сарфи 22500 сўм/ км.

в)  $m_2 = 0,9 * m_1 * N_2^1;$

$N_2^1$  – бир автомобилга тўғри келадиган авточилангарлар сони

0,23- йўналишсиз таксиларда.

0,9-хайдовчига нисбатан авточилангарларни ойлик маоши шаклланиши

5) втошина сарфи « $X_4$ »

$$X_4 = N_{\text{ш}} * n * \xi / l_{\text{ш}}; \text{ сўм/ км.}$$

$N_{\text{ш}}$  – 1 та шина сарфи. 135000 сўм.

$l_{\text{ш}}$  – автошинанинг хизмат муддати 80000 км.

$n$  – ҳаракатдаги шиналар сони 4 комп.

б) Ҳаракатдаги таркибни тиклаш сарфи.

$$X_5 = N_6 * E_n * \xi / D_p * I_{сyt} * V_n ; \text{ сўм/ км}$$

$N_6$  – ҳаракатдаги таркибни балансдаги ўртача баҳоси. 22436,0 м. сўм.

$E_n$  – 0,15 меъёрдаги самарадорлик коэффициенти.

$D_p$  – йилдаги ишчи кунлар сони 365 кун

$I_{сyt}$  – кунлик ўртача юрилган пробег 200 км.

7) Тўлиқсиз таннарх «Ху» топамиз.

$$X_y = m_1 + X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5 ; \text{ сўм/ км}$$

$$X_m = X_y + X_6 + X_9 ; \text{ сўм/ км};$$

Тўлиқсиз таннархнинг даромаддаги салмоғи  $\eta_{xy}$  ни топамиз.

$$\eta_{xy} = 1 - (\eta_6 + \eta_8 + \eta_9) ;$$

$\eta_6 = 0.10$ - хўжалик харажат учун даромаддан белгиланган улуш

$\eta_8 = 0.15$ - ташишдан олинган фойда улуши

$\eta_9 = 0.04 + 0.02k$  0.06- йўл фонди учун ажратма ва юқори ташкилотни ушлаб туриш улуши

8) Ҳисобдаги ташиш нархи  $D_1$  ни топамиз.

$$D_1 = X_y / \eta_{xy} ;$$

9) Сотувдаги нарх  $D$  ни топамиз.

$$D = D_1 * \eta_T ;$$

$\eta_T = 1,06$  яқка тартибдаги ташишларда

**Хулоса таклиф ва тавсиялар** Уюшма фаолиятини ривожлантириш учун шу кундаги ташиш нархларидан келиб чиқиб, модел орқали ижара ҳақини ҳисоблаб, ижарага олувчи ва берувчиларга аосли натижага эга бўлиш имконини беради. Уюшмада ижарачи ҳайдовчиларга иш топишда мулкдорларни уларга тўғрилаб манфаатли ишларни амалга ошириш мумкин. Бу масалада йўловчи ташиш нархини ресурслар нархидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиб, уларни манфаатини ҳимоя қилиш имконига эга бўлинди. Янги ва эски нархлар орасидаги тафовут муомаладаги энг кам пул миқдоридан кескин фарқ қилганида нархга ўзгартириш киритиш йўловчи ташиш жараёнини ривожланиш гарови ҳисобланади.

#### Адабиётлар

- [1] И.А. Каримовнинг мамлакатимиз 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи Тошкент, 2014 йил 18 январь № 13.
- [2] И.А. Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом етиштириш” Халқ сўзи 2013 йил 19 январь № 13-сон;
- [3] А.М. Саримсаков. “Совершенство в деятельности автотранспортных предприятий в условиях различных форм собственности на основе микроэкономического моделирования. Автореферат. Ташкент 1995 год.

УДК 656.34

## СОВРЕМЕННАЯ НОРМАТИВНАЯ БАЗА ПО КРЕПЛЕНИЮ ГРУЗОВ НА АВТОТРАНСПОРТНОЕ СРЕДСТВА

Ш.Ш. Исроилов<sup>1</sup>, А.Х. Юлдашев<sup>1</sup>, А.Г. Абдурахмонов<sup>2</sup>

Андижанский машиностроительный институт<sup>1</sup>

Ферганский политехнический институт<sup>2</sup>

(Получена 18.02.2014 г.)

Мақолада VDI 2700 стандарти бўйича юкларни транспорт воситасига бириктириш талаблари ва меъёрларини ўрганиш масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** жараён, ташиш, юк, бириктириш, транспорт, талаблар, стандартлар, маҳсулот, об-ҳаво, маршрут.

В работе изучены требования и нормативы подкрепления грузов на транспортных средствах по стандарту VDI 2700.

*Изучать требования и нормативы подкрепления грузов на транспортных средств по стандарту VDI 2700.*

**Ключевые слова:** процесс, перевозка, груз, крепления грузов, транспорт, требования, стандарты, товар, погода, маршрут.

*The requirements and standards of freights reinforcement on vehicles according to the VDI 2700 standard are considered.*

*To study requirements and standards of freight reinforcement on vehicles according to the VDI 2700 standard.*

**Key words:** process, transportation, cargo, fastenings of cargoes, transport, requirements, standards, goods, weather, a route.

В процессе выполнения операций по перевозке грузов важное место занимает вопрос безопасности погрузки и крепления грузов. Выполнения операций по загрузке транспортного средства может привести к снижению качества перевозки и сделать автомобиль потенциально опасным. В ЕС ежегодно теряется до 500млн евро из-за аварий пре изошедших по причине не качественного крепления грузов. Это статистика страховочных компаний ЕС. Такая статистика в РУз и вообще странах СНГ пока не ведется. Поэтому правильные загрузка и крепления грузов является одним из основных факторов обеспечивающих безопасность перевозки, в РУз до сих пор нет нормативного документа по крепления грузов. Настоящая работа посвящена анализу международных нормативных документов по безопасности погрузки и креплению груза, а также новым методам и средствам крепления грузов, что должно стать основой для национального соответствующего нормативного документа.[4]

Правила крепления груза, перевозимого автомобильным транспортом, должны обязательно регламентировать:

1. Сферу действий правил ответственность за их невыполнение.
2. Максимальные силы, действующие на груз во время движения автомобиля, воздействие которых должно быть компенсировано креплением.
3. Требования к автомобилям и имеющимся системам крепления.

Анализ, сложившийся в этой сфере в других странах показывает следующее [2].

Так, в Великобритании действует «Кодекс безопасности груза на транспортном средстве» (Code of Practice of Safety Loads on Vehicles)/

В США действует «Североамериканский стандарт крепления грузов » (North American Cargo Securement Standart).

В Австралии «Руководство по креплению грузов» (Cargo Restraint Guide), а в Новой Зеландии «Кодекс погрузки грузовиков» (Truck Loading Code).

Один из самых лучших стандартов – немецкий, и дорожная полиция Германии активно применяет его при проверке на дорогах. На базе немецкого стандарта VDI 2700 разработан общеевропейский стандарт EVS – EN 12195-1-1-2010 Load restraning on road vehicles-Safety-Party Caleulation of segring forest, который был ратифицирован многими европейским странами [3].

Это основополагающий стандарт. Именно в нем заявлены силы, действующие на груз во время движения по автомобильным дорогам, которые должны быть компенсированы креплением. Также есть стандарты, определяющие прочность самого транспортного средства как части системы крепления и регламентирующие количество и прочность точек крепления, установленных в кузове.

В РУз таких стандартов нет. Узбекские грузовые транспортные средства в подавляющем большинстве не соответствуют европейским требованиям безопасности. Эксперты заявляют, что каждый второй грузовой автомобиль, движущийся сейчас по дорогам страны, имеет недостаточное крепление и достаточно экстренного торможения, чтобы случилась авария.

Внедрение Кодекса в Австралии в 1986 году на 74% уменьшило количества аварий, связанных с недостаточным креплением грузов. В Германии экономический эффект составляет в 250 000 000 евро ежегодно.

Настало время создания таких Правил и в Республике Узбекистан.

Не секрет, что и сама подготовка перевозчиков и экспедиторов в этом вопросе оставляет желать лучшего, несмотря на то, что Директива ЕЭС №2003/59/ЕС вступила в силу 10 сентября 2003 года.

Согласно директива ЕС, все профессиональные водители должны получать соответствующую подготовку в порядке минимизации рисков и обеспечения безопасности на дороге. Пункт 4.1.9 директивы требует, чтобы следующие факторы безопасности, касающиеся погрузки транспортного средства, были обязательно включены в программу подготовки: контроль за грузом (укладка и крепление), опасности, связанные с различными типами грузов (т.е. жидкие, подвешенные), контроль за погрузкой и выгрузкой и использованием погрузочного оборудования.

В Республике Узбекистан только в УНЦ «BILIMINTERTRANS» который входит в Академию Международного Союза Автомобильного Транспорта, в программе обучения водителей на международном автомобильном перевозкам имеется такой раздел и водителей обучают правилам крепления грузов на АТС.

Рекомендуется разработать основные положения национальных «Правила по размещению и крепления грузов на автотранспортных средствах». Рекомендуется учитывать максимальную продольную силу действующую на груз вперед АТС принимать равным весу груза.[1]

«Правила по размещению и крепления грузов на автотранспортных средствах» должны содержать как минимум следующие разделы:

- требования к техническому состоянию кузовов АТС.
- требования креплению груза.
- способы крепления и блокирования грузов.
- средства крепления и блокирования грузов.

### 1 Основные требования

#### ***Руководство VDI 2700 в качестве основы для крепления груза***

Руководства VDI 2700 и последующие, обращены к водителю, владельцу транспорта и грузчику. Они применимы к грузовым транспортом с или без прицепа, что включает в себя полуприцепные тягачи и спецтранспорт. Руководства требуют, чтобы соответствующий транспорт с соответствующей надстройкой и, если понадобится, с дополнительным оборудованием по креплению груза, должен быть использован для перевозки соответствующего груза.[2]

#### ***Подходящий транспорт – это основа безопасной транспортировки!***

На практике это означает, что необходимо руководствоваться нижеследующими данными по креплению груза при заказе транспортного средства:

- Виды товаров: катушек, стальных панелей, цементных элементов, фабричных отрезков и т.д.
- Виды упаковок: бочки, картонные коробки, деревянные ящики, уложенные или не уложенные на поддон;
- Количество груза: вес, объем, размеры и т.д.
- Способ транспортировки: дорожный, ж/д, морской, интермодальный;
- Внешние условия: погода, маршрут, климат и т.д.

Перед загрузкой транспорт должен быть проверен на наличие соответствия для перевозки данного груза (не каждый транспорт может перевозить любой груз!). Здесь и совершаются многие ошибки, такие как:

- Груз перевозится незакрепленным в транспорте без достаточно устойчивых боковых стенок.
- Тяжелые строительные машины закреплены с помощью обвязочных цепей, которые крепятся на крючки в местах крепления в транспорте, которые слабо держат;
- Рулонообразные товары оставляются на обычной поверхности грузового отсека.

***В качестве основного правила – каждый груз должен быть закреплен!***



Есть, однако, исключения, когда можно обойтись без дополнительных мер по креплению груза, например:

- Оптовые товары в открытом поддоне, если груз не выступает через стенки и не может быть выброшен наружу потоком ветра.
- Хорошо уложенный в транспорте груз с достаточно устойчивым грузовым отсеком.

## 2. Инструкции по распределению нагрузки

Согласно 4 странице руководства VDI 2700, по возможности, груз должен быть уложен таким образом, чтобы центр тяжести всего груза находился выше центральной линии продольной конструкции транспорта. В данном случае, центр тяжести должен быть, по возможности, чем ниже, тем лучше; транспорт не должен быть перегружен и распределение груза должно контролироваться. Даже при частичной загрузке, одинаковый вес и распределение груза должны быть соблюдены.

Данные по распределению груза являются основой должной и безопасной загрузки груза. Однако, к сожалению, часто происходит так, что на практике едва ли соблюдаются инструкции по распределению нагрузки и расчетов, что точно подходит для выбранного транспорта. Это часто ведет к тому, что транспорт загружается совершенно неправильно. Возможно, что нагрузка на ось превышает допустимые нормы благодаря неправильной загрузке; это может привести к отрицательным последствиям во время торможения и управления рулем транспорта во время поездки.




Рис.1. Требования по креплению.

Часто случается, что никто не думает о правильном распределении груза, поэтому транспорт просто загружается в обратном порядке для дальнейшей разгрузки на точках. Может это быстрое и простое решение, но неправильная загрузка часто приводит к ДТП, ввиду того, что устойчивость транспорта в движении может непредсказуемо измениться.

A = Ограничение по разрешенной загрузке передней оси;

B = Ограничение по разрешенной загрузке боковой оси;

C = Ограничение по безопасной маневренности;

D = Ограничение по разрешенному общему весу;

В зависимости от расширений транспорта, такими как лебедка или погрузочный кран, необходимое распределение груза на загрузочную поверхность существенно меняется, т.к. данные расширения имеют свой вес на незагруженный транспорт. Таким образом, инструкции по распределению груза должны высчитываться для каждого отдельного случая.

## 3 Дизайн надстройки

Согласно руководству VDI 2700, передняя стенка, боковые стенки и водительское место должны быть строго размерены. Однако, это не дает никаких величин, согласно которым компоненты загрузки должны соответствовать конкретным величинам загрузки.

### 3.1 Транспортные средства, которые были выпущены позже апреля 2002

Для транспортных средств и трейлеров, которые были выпущены позже апреля 2002 года, с максимально разрешенным перевозимым весом в 3,5 тонн, устойчивость надстройки должна соответствовать пунктам Европейского конструктивного стандарта DIN EN 12642.

Следующие показатели загрузки должны быть соблюдены для транспорта в соответствии с DIN EN 12642:

- передняя стенка: при 40% грузоподъемности, требуется макс. 5,000 деканьютонов;
- задняя стенка: при 25% грузоподъемности, требуется макс. 3,100 деканьютонов;
- боковая стенка: 30% грузоподъемности;

1. Нагрузочная способность передней стенки:

40%, макс. 5 тонн

2. Нагрузочная способность задней стенки:

25%, макс. 3,1 тонн

### 3.2 Примеры вычислений

1. Нагрузочная способность передней стенки

#### Пример

Грузоподъемность транспорта 10,000 кг., коэффициент силы кинетического трения = 0,4 --- фактический вес груза 10,000 деканьютонов;

Силы, которые должны быть обеспечены на фронтную часть: 80% силы веса = 8,000 деканьютонов;

Грузоподъемность передней стенки – 40% от общей грузоподъемности = - 4,000 деканьютонов;

Разница в 40% силы веса высчитывается через трение (относится к 0,4) = - 4,000 деканьютонов;

Разность максимального и минимального значений силы, которые должны быть обеспечены: 0 деканьютонов;

В случае с правильной загрузкой, требования безопасной загрузки на переднюю стенку выполнены.

	A	B	C	D	E	F	G	H	I
1	<b>Type</b>	<b>X</b>	<b>Y</b>	<b>Z</b>	<b>L</b>	<b>LC</b>	<b>FT</b>	<b>DX</b>	<b>FW</b>
2		[m]	[m]	[m]	[m]	[daN]	[daN]	[m]	[daN]
3	1	2.100	0.600	0.000	2.184	1000	150	0.077	1000
4	2	1.400	2.100	1.600	2.988	1000	500	0.128	803
5	3	0.700	0.400	1.600	1.792	1000	500	0.092	921
6	DN =	25000					DXmin =	0.077	

За прошлое десятилетие только возникли текущие несоответствия между математическими моделями для упреков связи вниз в VDI 2700, Директиве по DIN EN 12195-1:2004 стандарт по сравнению с DIN EN 12195-1:2011 стандарт. Несоответствия следуют из различий в упрощениях, используемых в математических моделях. В частности ДИН ЭН 12195-1:2004 стандарт, который был фактически теперь заменен, включает "k-фактор" в вычисление, чтобы составлять потерю передачи силы pre-tensioning, когда натяжные приспособления используются на одной стороне только, которая приводит к 33% увеличению суммы обеспечения необходимого, чтобы выполнить стандарт.

#### Список литературы

- [1] Ю.М. Неруш «ЛОГИСТИКА» Москва 2008. «ПРОСПЕКТ».
- [2] Николайчук В. Е. «ЛОГИСТИКА» СПб. Питер 2000.
- [3] [http:// www. LasInfo. de](http://www.LasInfo.de) .
- [4] [http:// www.edu.uz](http://www.edu.uz) .

УДК 656.1

### ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИДА ТРАНСПОРТ ТИРБАНДЛИГИ МУАММОСИ (Андижон шаҳри мисолида)

А.О. Боботаев, С.С. Ортиқов

*Андижон машинасозлик институти*

*(Қабул қилинди 12.03.2014 й.)*

*Ушбу мақолада транспорт оқими жадаллашиб бораётган бугунги кунда ва келгусида шаҳар кўчалари, чорраҳалардаги транспорт тирбандлигини бартараф қилишда GPS (Global Positioning System) тизимининг жорий қилиш истиқболлари келтирилган.*

**Таянч сўзлар:** йўл, транспорт, оқим, кўча, чорраҳа, тирбандлик, ҳаракат, пиёда, йўловчи, GPS.

*В статье приведена перспектива внедрения системы GPS (Global Positioning System) при ликвидации транспортной пробки в городских улицах и перекрестках при интенсификации транспортного потока сегодня и будущем.*

**Ключевые слова:** дорога, транспорт, поток, улица, перекрёсток, пробка движение, пешеход, пассажир, GPS.

*The perspective of integration system GPS (Global Positioning System) at liquidation of backup of cars in city streets and crossroads of unloading of pressure nowadays and in future is given in the article.*

**Key words:** Road, transport, treacle transport, street, crossing, a stopper movement, the pedestrian, passenger, GPS.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни тарихий воқеалар сафига кўшмасликнинг сира иложи йўқ. Авваламбор, бу биринчи навбатда автомобил саноатига хосдир. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳукуватимизнинг автомобил саноатини ташкил этишга бўлган юксак эътибори натижасида Андижондаги Асака шаҳрида кичик литражли автомобиллар ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди ва республикамизни автомобил ишлаб чиқарувчи давлатлар сафига кўшди.

Заводнинг “Neksiya”, “Damas”, “Matiz”, “Lassetti”, “Epica”, “Kaptiva”, “Spark”, “Malibu”, “Cobalt” va “Jentra” каби автомобиллари кўчаларимизга кўрк бўлаётган бўлса, иккинчи томондан Самарқанддаги автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод ўзининг “ISUZU” ва “MAN” автомобиллари билан юк ва йўловчилар ташиш вазифаларини амалга оширишда салмоқли ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Дастлаб, ўзбек автомобили юртдошларимиз оғирини енгил қилишга хизмат қилган бўлса бугунги кунга келиб, кўшни ва бир қанча Европа давлатларига экспорт қилиниб, давлатимизнинг экспорт салоҳиятини оширмоқда. Автозавод конвейеридан чиққан умумий автомобилларнинг 59 фоизи мамлакат ташқарисида ўз харидорини топган. Ташқи бозорда уларнинг аксарияти Россия, Озарбайжон, Беларус, Молдова, Қирғизистон каби ҳамдўстлик давлатлари томонидан сотиб олинмоқда.

Автомобилсозликнинг бу қадар жадал суратда ривожланиши кўча ва йўл тармоқларида транспорт оқими ҳаракатини бошқаришда соҳа мутахассислари олдига ечими мураккаб бўлган вазифаларни келтириб чиқара бошлади [1].

Ечилиши лозим бўлган асосий вазифа ҳозирги куннинг муҳим муаммоси бу кўча ва йўл тармоқларида куннинг эрталабки ва кечки “тиғиз” соатларида вужудга келаётган транспорт тирбандлигидир. Сир эмаски, ушбу муаммо барча ривожланган давлатларда ҳозирги кунда энг муҳим ҳал қилиниши лозим бўлган биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Шу сабабдан, соҳамиз мутахассислари эртанги кунда кутилаётган муаммонинг ечимига бугунданок тайёргарлик кўриб кўйишлари мақсадга мувофиқ деган фикрни ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Ҳаммамизга маълум, айти пайтга келиб кўплаб давлатлар автомобил йўлларида транспорт тирбандлиги узоқ масофаларгача етиб бораётганлиги оммавий ахборот воситаларида такрор-такрор баён этилмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб давом эттириш мумкин. Масалан, Украина ёки Германия кўчаларидаги ахвол ҳам юқоридаги мисолдан мустасно эмас. Вақт ўтиши билан транспорт тирбандлиги ҳолатлари мураккаблашмоқда.

Ривожланган давлатларда транспорт оқими ҳаракатини бошқаришда илғор технологиялардан фойдаланилишига қарамай, тирбандлик муаммоси ечилмай қолаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, келажакда Республикамиз шаҳар магистрал кўчаларда ҳаракатни бошқариш нечоғлик мураккаб бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг.

Транспорт тирбандлиги ҳолатлари асосан шаҳар магистрал-кўчалари чорраҳаларида кузатилади. Демак, бундан шаҳар марказий магистрал кўчалари чорраҳаларида бугунги кунда транспорт воситаларининг светофор объектлари олдида анча вақт навбат кутиб қолишлари ва айнан бу жойлар эртанги кун муаммоси сифатида намоён бўлади, деган

хулосага келиш мумкин. Галдаги вазифа эса муаммога ечим топиш. Муаммонинг ечимини излашни ҳозирги кунда автомобил транспорти ҳаракати билан максимал юкланган кўча ва йўлларида бошлаш лозим.

Андижон шаҳрида ана шундай кўчалар мавжуд. Автомобил транспорти ҳаракати билан юқори даражада юкланган кўча ва йўл тармоқлари, “Бобур”, “Ўзбекистон” ва “Алишер Навоий” шоҳ кўчалари ана шундай кўчалар сарасига кириб, шаҳарнинг асосий марказий магистрал кўчаларидан ҳисобланади. Бу кўчалар кесишган чорраҳаларда транспорт оқими ҳаракатининг жадаллиги анча юқори бўлиб, 3500-4000 авт./соатга етади (1-расм).

*Ҳаракат миқдори – йўлнинг бирон бир кўндаланг кесимидан вақт бирлиги ичида ўтган транспорт воситаларининг сони (авт/сут ёки авт/соат).*

Бу кўрсаткич кузатиш ва автоматик усуллар билан аниқланади.

Ҳаракат миқдорининг сутка давомида ўзгариши:

- 1) ҳаракат йўналишига;
- 2) ҳафта кунларига;
- 3) йўлнинг аҳамиятига боғлиқ.

Ҳаракат миқдори сутка давомида икки марта: эрталаб ва кечки кўтарилиши кузатилади. Бундай соатлардаги ҳаракат миқдори “Тиғиз” дейилиб, ҳаракатни тўғри ташкил этиш хавфсизликни таъминлашнинг бирламчи омилidir.

Кузатиш усулида ҳаракат миқдори йўлнинг кўрсатилган бўлагида бир ёки бир неча соат давомида ҳисобчилар ёрдамида махсус тайёрланган бланкага транспорт воситаларининг ўтишини белгилаш орқали аниқланади. Кўпчилик давлатларда, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам автомобил йўлларидаги ҳаракат миқдорини кузатувчилар орқали аниқланади.

Транспорт воситаларининг ҳаракат миқдорини ва таркибини кўз билан кўриб кузатиш (визуал) усули ёки видеотасмалар ёрдами билан аниқланди. Кўз билан кўриб ҳаракат миқдорини ҳисоблаш усули қуйидаги тартибда амалга оширилди.

Бунинг учун ҳисобчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, ўзларига бириктирилган транспорт воситаларини кўча шароитида (техника хавфсизлигига риоя қилган ҳолда) кузатув олиб бориш орқали ўтаётган транспорт воситаларининг сонини ва турини аниқлашди ва маълумотларни 1-жадвалга қайд қилиб боришди.

1-жадвал

Ҳисоб вақти, соат	Енгил автомобиллар	Юк автомобиллар	Автобуслар	Газеллар	Веломото транспорт
8:00-8:05	133	8	6	8	12
8:05-8:10	127	7	5	10	9
8:10-8:15	128	7	6	9	10
8:15-8:20	124	9	5	8	14
8:20-8:25	136	8	5	10	8
8:25-8:30	126	7	6	8	11
8:30-8:35	129	6	5	9	13
8:35-8:40	132	7	5	8	14
8:40-8:45	127	8	6	7	10
8:45-8:50	134	9	5	10	9
8:50-8:55	132	7	4	9	11
8:55-9:00	130	6	6	8	9
Jami	1558	89	64	104	130

Ҳаракат миқдорини аниқлаш учун узлуксиз текширишда бир соатлик вақтни ҳар 5 дақиқа интервал оралиғида 12 та интервалга бўлиб 1-жадвалга ёзиб борилади. Бир соатлик ҳаракат миқдорининг танлаб олинган қийматларининг статистик хусусиятлари қуйидаги тартибда ҳисобланади:

1. Вариацион кўламни аниқлаш:  $R = N^{i_{coam}}(\max) - N^{i_{coam}}(\min), \text{авт} / \text{соат}.$

бу ерда:  $N^i(\max), N^i(\min)$ -бир соатлик ҳаракат миқдорининг энг катта ва энг кичик қийматлари, улар вақт оралиғидаги танлаб олинган вариант;  
 $i - 5, 10, 15, 20, 30$  дақиқалик вақт оралиғи.

2. Бир соатлик ҳаракат миқдорининг вақт оралиғидаги ўртача қийматини топиш:

$$\bar{N} = \frac{\sum_1^K N_{coam}}{K}, \text{авт} / \text{соат}.$$

Бу ерда:  $K$ -вариантлар сони.

Бир соат ичидаги ҳаракат миқдорининг узлуксиз кузатиш вақти 5, 10, 15, 20, 30 дақиқани ташкил этганда  $K$  нинг қиймати шу сонларга мос ҳолда 12, 6, 4, 3 ва 2 га тенг бўлади.

3. Ҳисобларнинг хатолигини аниқлаш:  $\Delta = \frac{N_{coam} - \bar{N}_{coam}}{N_{coam}}.$

Амалий ишларни бошлашдан олдин ҳисобчиларга, ҳаракат миқдорини аниқлашнинг асосий қоида ва тартиби тушунтирилади. Бунда 5 та жадвал, 1та гистограмма, 1та циклограмма чизилади.

Транспорт оқими ҳаракати жадаллигининг бу қадар ортиб кетиши, айниқса куннинг “тиғиз” соатларида тезликни сезиларли даражада пасайтириб юборади, иккинчи томондан юк ва йўловчиларни ўз манзилларига етказиб бериш анча вақтгача кечикади, шунингдек, автомобиль транспортдан атроф-муҳитга чиқарилаётган захарли газларнинг миқдори ортиб кетади ва ҳоказо.


Юқоридаги муаммолар, чорраҳаларда транспорт тирбандлигини бартараф этиш бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлигини аниқлашмоқда.

Тирбандликни бартараф этишга кўча йўл тармоғининг айнан бир элементини ёки иш тартибини ўзгартириш орқали эришиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, муаммога комплекс ёндашмоқ лозим [2-3].

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича йўлларда транспорт тирбандлигини GPS тизими ёрдамида бартараф этиш масалаларини жорий этиш керак бўлади.

Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодий аҳволи ва автомобиль

саноати ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, йўлнинг геометрик элементларини яхшилаш (йўлнинг қатнов қисми ва унинг кенлиги, қатнов бўлаклари, эгри радиуслар, йўл қопламасининг ҳолати), қўлланилаётган техник-воситаларни (светофор объекти, йўл белгилари, йўл белги чизиқлари) самарали ишлашини таъминлаш, йўл ҳаракати иштирокчиларини (ҳайдовчи, пиёда, йўловчи) “Йўл ҳаракати қоидалари” ни бузмасликларини таъминлаш ва ҳоказолар мақсадга мувофиқ. Техник воситаларнинг оптимал ишлаши тирбандлик юзага келишининг олдини олишга етарли самара бермаса кейинги поғона GPS тизими (Global Positioning System) ни қўллашга ўтиш мумкин. Ушбу тизимдан ҳозирги кунда кўпчилик ривожланган давлатлар фойдаланишмоқда. Бизнинг республикаимиз айни дамда ушбу тизимни қўллаш учун ҳам иқтисодий, шунингдек ҳаракат



1-расм. Транспорт воситаларининг 1 соатлик ҳаракат миқдори ва таркиби.

хавфсизлигини ташкил этишда ҳамда автомобиль саноати ривожини (миқдори) томонидан тайёр эмас деб ўйлаймиз. Аммо, эртанги кунда албатта, кўча ва йўл тармоқларида ҳаракатни бошқаришда GPS ни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. GPS нафақат тирбандликни баргараф этишда, балки, мўлжалланган манзилга етиб бориш учун қулай йўл йўналиши, айна дамдаги йўналишдаги йўлнинг шароити, бир сўз билан айтганда ҳар қандай йўл йўналиши, бўйича тезкор ахборот базаси вазифасини бажаради.

Айниқса бу тизим кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажарувчи йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, 01-ўт ўчириш, 03-тез тиббий ёрдам кўрсатиш, 050-қутқарув ходимлари ва бошқа хизматчилар белгиланган манзилларга ўз вақтида ва қисқа йўл билан етиб боришлари учун қулай ҳисобланади. Бу тизим сунъий йўлдош орқали навигация тизими ёрдамида реал вақт режимида автотранспорт воситаси қаерда жойлашганлиги, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган тақдирда ҳайдовчилар қутқарув ёки тез ёрдам хизматини махсус функция ёрдамида чақириш имконига эга. Бу борада GPS тизимида киритилиши мумкин бўлган яна кўплаб қўшимча функциялар ҳам мавжуд.

### Адабиётлар

- [1] Қ.Х. Азизов “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари”, Т.: “Фан ва технология”, 2009 й.
- [2] Автохамроҳ журнали, № 06, 2011 йил.
- [3] <http://www.GPS.ru>

УДК 656.1

## ЙЎЛ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

С.С. Юсупов

*Андижон машинасозлик институти  
(Қабул қилинди 12.03.2014 й.)*

*Мақолада мамлакат тараққиётидаги устувор йўналишларидан бири, яъни ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириши ва уни амалий тадбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган изланиш натижалари келтирилган.*

*Хусусан, автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалалари бўйича амалий ечимлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

**Таянч сўзлар:** *автомобил, ҳаракат хавфсизлиги, йўл хавфсизлиги, йўл ҳаракат белгиси, хавфли участка.*

*В статье приведены результаты исследований в области практического применения информационно-коммуникационных технологий, являющимся одним из приоритетных направлений развития страны.*

*В частности разработаны рекомендации и практические решения вопросов применения перспективных информационно-коммуникационных технологий в обеспечении безопасности дорожного движения, предотвращения дорожно-транспортных происшествий.*

**Ключевые слова:** *автомобиль, безопасность движения, дорожное движение, знаки дорожного движения, опасный участок.*

*The results of researches are given in article in the field of practical application of the information and communication technologies, being one of the priority directions of development of the country.*

*In particular recommendations and practical solutions of questions of perspective application of information and communication technologies in safety of traffic, prevention of road and transport incidents are developed.*

**Key words:** *car, traffic safety, traffic, traffic signs, dangerous site.*

Мақолада мамлакат тараққиётидаги устувор йўналишларидан бири, яъни ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириши ва уни амалий тадбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган изланиш натижалари келтирилган.


Хусусан, автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалалари бўйича амалий ечимлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юксак даражада тараққий этган ҳозирги замон транспортсиз ривожланган жамият асосини яратиб бўлмайди. Чунки транспорт ҳар қандай ишлаб чиқарувчи кучларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжаликларида юкларни ташишда автомобил транспортининг роли беқиёсдир. Бунда табиат бойликларини ташишда, хўжаликнинг ички ва ташқи юк айланишларини бажаришда ва ҳоказоларда транспорт воситалари муҳим рол ўйнайди [1].

Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш бугунги кундаги муҳим муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Автомобилнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарлари миқдори кундан-кунга ошиб бормоқда, энг асосийси эса, йўлларда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида кўплаб одамларнинг жабр кўришлари ва ҳаётдан кўз юмишларидир. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун кўрилаётган қатор тадбирларга қарамасдан, уларнинг миқдори камайишига эришиб бўлмапти. Бу эса, йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига ўта жиддий ёндошиш зарур эканлигини мутахассислар олдида вазифа қилиб қўймоқда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун унга илмий ёндошиш, унинг барча серқирра жараёнларини таҳлил этиш зарур.

Автомобиль йўлларида ҳаракат тартибсиз равишда вужудга келади. Ҳар бир ҳайдовчи ўзига қулай ҳаракат тартибини танлайди ҳамда ўзи танлаган ҳаракат тартибининг бошқа ҳаракат қатнашчиларига таъсири билан ҳисоблашмайди. Шунингдек, турли русумли автомобилларнинг ҳар хил динамик сифати ҳаракат тартибига таъсир қилиши муқаррар. Йўл ҳаракатида автомобилларнинг ўзаро таъсири ҳаракат миқдори қанча кўп бўлса, шунча орта боради.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш – транспорт воситалари оқимини максимал даражада йўлнинг геометрик ўлчам имкониятларидан фойдаланиб, унинг ҳар хил бўлақларида хавфсиз ҳаракат тартибини ва юқори ўтказиш қобилиятини таъминлашга қаратилган тадбирлар тизимидан иборат. Йўл ҳаракатини ташкил этиш тамойиллари транспорт оқимини тўғри йўналтиришга, керак ҳолларда уларни тезликлар бўйича гуруҳларга ажратишга, ҳар бир йўл бўлаги учун рационал тезликларни белгилашга, ҳайдовчиларга ўз вақтида ҳаракат маршрути ва йўл шароити тўғрисида ахборот беришга қаратилган.



1-расм. “Автомобил – ҳайдовчи – йўл – пиёда - муҳит” тизими.

Ҳаракатни ташкил этишни такомиллаштириш прогрессив бошқариш (ҳаракатни бошқаришнинг автоматик тизими; светофор объектларини «яшил тўлқин», «яшил кўча» тизими усулида ишлаши; тезлашувчи – секинлашувчи, реверсив, резерв тасмалардан фойдаланиш, баъзи бир кўчаларни бир томонлама ҳаракатга ўтказиш ва ҳ.к.) чорраҳаларни ҳар хил сатҳда ўтказиш, шунингдек, транспорт воситаларининг ҳаракат маршрутини рационал равишда танлаш ёрдамида эришилади. Йўл ҳаракатини ташкил этишда компьютер технологиялари ёрдамида автобус ва троллейбус, шунингдек, ялпи юк ташувчи автомобилларнинг оптимал ҳаракатланиш графигини тўғри тузиш катта аҳамиятга эга. Тиғиз соатларда ҳаракатни ташкил этиш мақсадида асосий магистралнинг тирбанд йўл бўлақларидаги транспорт оқимининг ҳаракатини айланма йўллар орқали ўтказишга интилади. Ҳаракатланиш тартибини ошириш учун автомобил ва автобусларга икки томонлама радио алоқа ўрнатилади. Бу эса ҳаракат ўзгаришинини йўлда назорат қилиш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чикиб, йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг асосий мақсади деб ҳар хил транспорт воситаларини юқори тезлик билан йўлнинг турли бўлагидан йилнинг ҳар қандай об-ҳаво шароитларида хавфсиз ўтказиш тушунилади.

Автомобиль йўлларида инсонлар томонидан бошқариладиган турли хилдаги механик ва механик бўлмаган транспорт воситалари, ҳаракатланаётган (ёки ҳаракатда бўлмаган) пиёдалар мажмуидан иборат мураккаб динамик тизим мавжуддир. Бу тизим йўл ҳаракати деб аталади.

Йўл ҳаракатининг муаммолари ва махсус томонлари, энг аввало, “Автомобиль-ҳайдовчи-йўл-пиёда” тизими орқали белгиланади. Улар ўз навбатида атроф-муҳитда фаолият кўрсатадилар (1-расм).

Тизимга қуйидаги ташкилий қисмлар киради:

А - (автомобиль), Х - (ҳайдовчи), Й - (йўл), П - (пиёда), М - (муҳит).

Бу ташкилий қисмлар муҳитда фаолият кўрсатибгина қолмасдан, атроф-муҳит билан уларнинг ҳар бири чамбарчас боғлиқ бўлади.

Муҳит деб атроф-муҳитнинг йўл ҳаракати хавфсизлигига мужассамлашган таъсири тушунилади ва у қуйидаги омиллардан ташкил топади:

- об-ҳаво (метрологик кўриниш, ёғингарчилик, шамол, ҳарорат);
- табиий ландшафт (текислик, қир-адирлар, тоғлик, ер ости-усти сувлари ва х.к.);
- механик (шовкин, чанг, тебраниш, газ чиқиндилари билан ифлосланганлик ва х.к.)

“А-Х-Й-П-М” тизимида механик “Автомобил-йўл” (А-Й) ва биомеханик “Ҳайдовчи автомобил” (Х-А), “Ҳайдовчи-йўл” (Х-Й), “Пиёда-Автомобиль” (П-А) ва “Пиёда-йўл” (П-Й) ҳамда биологик “Ҳайдовчи-пиёда” (Х-П) тизимларини ажратиш мумкин.

“А-Й-Х-П-М” тизими оптимал равишда фаолият кўрсатишда тизимдаги автомобил, ҳайдовчи, йўл, пиёда ва муҳит ташкил этувчиларининг алоҳида ҳамда уларнинг биргаликдаги А-Х, Х-Й, Й-П, А-П ва бошқа таснифлари катта аҳамиятга эга [1].

Автомобилсозлик саноатига жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози таъсири туфайли жаҳон бозорида автомобилларни сотиш 49% га пасайган пайтда мамлакатимиз автомобил саноати жадал ривожланиб бормоқда.

2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг муҳим лойиҳаларини жорий этиш дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 март 2009 йилдаги № ПҚ-1072 фармойишига асосан, Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестициявий лойиҳаларни жорий этишни тезлаштириш, шу асосда хом ашё ресурсларини қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш ва юқори сифатли маҳсулотларни ички ва ташқи бозорида ишлаб чиқаришни рақобатбардош, харидоргир этиб ўзлаштириш, иқтисодиёт структурасини кейинчалик диверсификация этиш, унинг барқарор ва динамик ривожланиши, экспорт потенциалини кенгайтириш мақсадида қатор лойиҳалар режалаштирилган ва маблағлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишдаги етти гуруҳдаги: огоҳлантирувчи, имтиёз, таъқиқловчи, буюрувчи, ахборот-кўрсатувчи, сервис, қўшимча ахборот йўл белгилари, Венада 1968 йил қабул қилинган йўл белгилари Конвенциясига ва бу Конвенцияни тўлдирувчи Женевадаги 1971 йил Европа келишуви талабларига тўлиқ мос келади.

Автомобиль йўлларида ва шаҳар кўчаларида йўл белгиларини ўрнатиш ГОСТ 23457-86, уларнинг ўлчамлари эса ГОСТ 10807-78 талабларига жавоб бериши керак. Автомобиль йўлларида йўл белгилари қуйидаги кетма-кетликда ўрнатилиши керак: кўрсатувчи (ахборот-кўрсатувчи); имтиёз; сервис ва табличкалар; огоҳлантирувчи; буюрувчи; таъқиқловчи.

Ўрнатиладиган йўл белгиларининг умумий сони йўлда иложи борича кам бўлиши керак. Ҳар бир ўрнатилаётган огоҳлантирувчи ёки таъқиқловчи йўл белгилари асосланган бўлиши шарт ва йўл шароити ёмонлашганлиги оқибатида қўрилган мажбурий чора деб



тушунилиши керак. Шунинг учун огоҳлантирувчи ва таъқиқловчи белгилар кўпчилик ҳолларда вақтинча ўрнатилиб, маълум йўл шароити яхшилангандан сўнг олиб ташланиши керак. Шунингдек, мавсумга қараб ўрнатиладиган йўл белгиларини ҳам вақт ўтиши билан тезда олиб ташлаш керак.

Йўл белгиларини шундай ўрнатиш керакки, уларни куннинг ёруғ вақтида кўриш масофаси 150 м дан кам бўлмаслиги керак. Ҳайдовчига у ёки бу участкада ўрнатилган белгини кўриш масофасининг қиймати шу участкадаги тезликнинг икки баробарига ёки ундан катта қийматига тенг бўлиши керак. Бу ҳолатда янги қурилаётган йўллар учун тезлик ҳисобий тезликдан 70% олинса, фойдаланаётган йўлларда эса транспорт воситаларининг 85 % тезлигидан ошмайдиган тезлик қабул қилинади.


1-жадвал

Тез юривчи автомобилларнинг ўртача тезлиги						
$V_{yp}$	км/соат	120	100	80	60	40
$l$	м	254	200	147	99	56

Агар  $V_2 = 0$  бўлса (тўлиқ тўхташ талаб қилинса), участкадаги тез юривчи автомобилларнинг тезлигига қараб « $l$ » (1) формулага асосан қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган қийматларда ўзгаради.

$$l = 0,66V_{yp} + \frac{(0,9V_{yp} - V_2)^2}{25,8(0,0112V_{yp} + 1,24)} \quad (1)$$

2012 йилда Тошкентда куёш батареяларида ишлайдиган чироқли йўл белгилари ўрнатилган. Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан пойтахт кўчаларида светодиод тагдан ёритиш чироқлари куёш батареясидан қувват оладиган йўл белгилари ўрнатилмоқда, дейилади REGNUM ахборот агентлиги хабарида. куёш энергияси махсус конденсаторда йиғилади ва унинг тўла зарядланиши учун 2-4 соат куёшли кун етарли [2].



2-расм. Светодиодли индикаторлар белгиси.

Светодиодли индикаторлар белгининг ўзига ва атрофига ўрнатилган бўлиб, улар кечқурун ва тунда ёнади, кундузи эса куёш энергияси тўпланади.

Келажакда фақат автомобилларни кашф этиб қолмасдан, инфратузилмаларни ҳам ўзгартириш керак. Бу қандай бўлади? Енгил ва юк автомобилларини ҳаракатини алоҳида трассаларга тўғрилаш ҳаракат оқимини бир хиллигига олиб келади ва бунинг эвазига-хавфсизликни анчагина ошиши таъминланади. Қимматбаҳо бошқариш тизими йўл даражасини амалда ногна олиб келади. Шу билан биргаликда бир хил тезлик ва автомобиллар оралиқини автоматик равишда бошқарилиши, ҳозиргига нисбатан, ҳаракатнинг атроф-муҳитга таъсири ёқимлироқ ва ёнилғи тежамкорлиги эса юқорироқ бўлади.

Келгусида кузовлар юк автомобилларининг умумий тизимига киритилади ва шу билан биргаликда ривожланган иқтисод талабларига мослашади. Мақсад юк автомобили ва кузовни бир тайёрловчидан олиш. Автопоезд юк автомобили ва кузовдан ёки ўзаро боғланган модулар йиғиндисидан ташкил топади.

Бугунги кунда ИИБ ЙХХББда йўл-транспорт ходисаларини рўйхатга олувчи электрон база мавжуд. Айни пайтда маъмурий характердаги ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш бўйича ягона, марказлашган электрон базани яратиш устида иш олиб борилмоқда. Мазкур тизим учун махсус дастур таъминоти ишлаб чиқилган бўлиб, у Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида қўлланилмоқда.

2011 – йилни 4 ой давомида жами 12 та йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган. Буни натижасида 1 нафар одам ҳалок бўлган, 13 нафар одамлар турли хилдаги тан жароҳат олганлар, болалар иштирокида 3 та ЙТХ содир этилиб, 1 нафар одам ҳалок бўлган, 2 нафар одамлар тан жароҳати олганлар.

2012 – йилни 4 ой давомида жами 14 та йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган. Буни натижасида 19 нафар одамлар турли хилдаги тан жароҳат олганлар, болалар иштирокида 3 та ЙТХ содир этилиб, 3 нафар одамлар тан жароҳати олганлар.

2012 йил март ойидан бошлаб автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини тартибга солиш мақсадида фото радарлар ҳам кенг жорий этилди. Бундан ташқари ҳар бир чорраҳаларда кузатув камералари ҳам ўрнатилган бўлиб, бу марказий ахборотлар тизими асосида кузатиб борилади.

Ҳозирча фото радарлар кўчма ҳолатда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан белгиланган жойларда автомобилларни ҳаракати кузатилиб борилмоқда, бундан ташқари махсус йўл потрул ходимларининг автомашиналарига ҳам ўрнатилиб кузатув ишлари амалга оширилмоқда.

Кейинчалик бу фото радарлар йўл белгилари ўрнатилган устунларга ўрнатилиши ва бу доимий равишда автомобилларни ҳаракат тезликларни кузатиб борилишини таъминлайди (3-расм).

Умуман олганда автомобиллар иштирокида содир этилаётган йўл транспорт ҳодисаларининг асосий келиб чиқиш сабаблари автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари белгиланган тезликдан ортиқ ҳаракатланаётганлиги кузатилади. Шунинг учун биз таклиф қилинаётган ичиқболли лойиҳалардан бири бу автомобил йўл белгиларига махсус тўлқинли датчик ўрнатилади. Бу датчик автомобилни 50-100 метр масофадан туриб (унинг тезлигини агар ортиқ бўлса) белгиланган тезликка пасайтириш ахборотини автомобил двигателининг электрон бошқариш тизимига беради (4-расм). Чунки ҳозирда ишлаб чиқарилаётган барча турдаги автомобиллар двигателни ва бошқа автомобилнинг қисмларини электрон бошқарув блоки орқали ана шу қисмлардаги махсус датчиклардан маълумотлар олиб, ишни тартибга солади.


Электрон бошқарув блоки ташқи ахборотни олиш учун автомобилнинг назорат-ўлчов асбоблари панелига ёки салоннинг ойнасининг остига махсус тўлқинни қабул қилувчи сенсор ўрнатилади. Шу йўл орқали белгиланган тезликда автомобил ҳайдовчиси ҳаракатланишга мажбур бўлади. Чунки, автомобилнинг тезлиги то белгиланган тезлик ҳудудидан чиқиб кетгунча бир хилда тезликни двигателининг электрон бошқарув блоки тартибга солади.

Махсус автомобилларда (01, 02, 03, 04, 05, 07) эса бу ҳолат қачонки махсус огоҳлантириш сигналини (серенасини) ёқганда истисно тарзда кузатилади. Бошқа ҳолларда эса юқорида кўриб чиққан тизимда уларнинг тезлиги ҳам тартибга солинади.

Маълумки, бугунги кунда республикамизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида



3-расм.



4-расм

белгиланган. Шу боис бу борада амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ва кенг қўламли саъй-ҳаракатлар туфайли мазкур замонавий технологиялар жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасига жадал кириб бормоқда. Республика автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар анча кўзга ташланмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришда компьютерлаштирилган тизимини ташкил этиш, автомобиллар ҳаракатини кузатиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот компьютер базасини яратишга доир хориж тажрибларини ўрганиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда буни қонуний асослаш керак бўлади.

Умуман олганда ҳар йили бутун дунёда 1 млн 300 минг одамлар йўл транспорт ҳодисаси оқибатида ҳалок бўладилар, 50 минг одамлар турли хил тан жароҳатлари олишмоқда.

Бу кўрсаткич албатта ёмон, чунки одам ўзи ихтиро қилган техника қурбонига секин – аста айланиб бормоқда. Бунинг учун йўл транспорт ҳодисаларини камайтириш ва бу борада ҳар бир давлат ўзининг дастурларини ишлаб чиқиши, бу асосида амалий чоралар кўриш талаб этилади. Шу мақсадда Президентимизнинг 2006 йил 26 мартдаги ПҚ-314-сонли “Йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш истиқболлари” қарори ижросини таъминлаш бўйича йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг компьютерлаштирилган тизими яратилган [3]. Ушбу лойиҳа бўйича ҳозирга вақтда чорраҳалар 120 та компьютерлаштирилган тизим жорий этилган бўлиб истиқболда яна 400 та чорраҳаларда ушбу тизимни жорий этиш режалаштирилган. Вилоятлараро катта трассаларда автомобилларни ўзи, автомобилнинг бошқарилиши, унинг тезлиги, барчаси электрон радарлар ёрдамида кузатиб борилади.

Тавсия қилинаётган ушбу тизим орқали йўлларда белгиланган ҳаракат тезлиги сақланиб қолади ва содир этилаётган йўл транспорт ҳодисалари камайиши кузатилиши мумкин.

### Адабиётлар.

- [1]. Азизов Қ.Х. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари дарслиги. –Т.: Ёзувчи, 2002.-182 б.
- [2]. “Аvto +”журналининг 2012 йилги март ойидаги сони.
- [3]. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

УДК 631.372

## УЧ ГИЛДИРАКЛИ ПАХТАЧИЛИК ЧОПИҚ ТРАКТОРЛАРИНИНГ КўНДАЛАНГ ТУРГУНЛИГИНИ АНИҚЛАШГА ДОИР

И.О. Туланов, Х.М. Солиев

*Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш  
илмий-тадқиқот институти (ЎЗМЭИ)  
(Қабул қилинди 10.06.2014 й.)*

*Мақола уч гилдиракли чопиқ тракторининг кўндаланг тургунлигининг статик чекли бурчаги МТЗ - 80Х трактори мисолида ҳисобланган. Ушбу тракторнинг коляси 1900 мм бўлишига қарамай кўндаланг тургунлигининг ГОСТ да талаб этиладиган 35° чегаравий бурчагини таъминлай олмаслиги аниқланди.*

**Таянч сўзлар:** трактор, уч гилдиракли, пахтачилик, коля, кўндаланг тургунлик, статик чекли ағдарилиш бурчаги.

*В статье произведен расчет статического лимитного угла поперечной устойчивости трех колесного хлопководческого пропашного трактора на примере трактора МТЗ-80Х. Несмотря на колею 1900 мм этот трактор не обеспечивает требуемый угол поперечной устойчивости 35° по ГОСТу.*

**Ключевые слова:** Трактор, трехколесный, хлопководческий, коля, поперечная устойчивость, статический граничный угол опрокидывания.

In article is brought steady-state corner of transverse stability of three wheel cotton-growing cultivated of the tractor on example of the tractor MTZ-80H. In spite of stake 1900 mm of this tractor does not provide required corner to transverse stability 35° on GOST.

**Key words:** The tractor, three wheels, cotton-growing, stake, transverse stability, steady-state border turning corner

Замонавий пахтачилик чопиқ тракторларининг конструкциясига кўп талаблар қўйилади. Бу талаблар асосида уларнинг конструкциялари такомиллашмоқда, ишлаш соҳалари кенгаймоқда, шунингдек эксплуатацион хусусиятлари яхшиланмоқда.

Пахтачилик машина трактор агрегатлари доим ўзгариб турувчи кўплаб омиллар таъсирида мураккаб шароитда ишлайди. Масалан, экиш ва қатор ораларига ишлов беришда машина трактор агрегат(МТА)лари ерни нотекисликлариди, паст-у баландликлариди, қияликларда механизациялашган ишларни бажаради.

Бундай шароитда ишлаётган тракторларнинг кўндаланг турғунлиги муҳим аҳамиятга эга. Тракторларнинг ёнга сирғанмасдан ва ағдарилмасдан тура оладиган қиялигини **кўндаланг турғунликнинг статик чекли бурчаги** [1] деб аталади ва у  $\beta_{чег}$  билан белгиланади ва ГОСТ 12.2.019-2005 [2] талабларига кўра 35°дан кам бўлмаслиги керак.

Мисол тариқасида 90 см ли ғўза қатор ораларига ишлов бериш қўлланиладиган

МТЗ - 80Х тракторининг кўндаланг турғунлигини таҳлил этамиз. Маълумки, 90 см ли қатор ораларига ишлов бериш учун бу тракторнинг колеяси 1800 мм бўлиши керак эди. Лекин кўндаланг турғунлигини ошириш мақсадида уни колеяси 1900 мм этиб ишланган. Амма бу пахта ҳосилини йиғиб олиш чоғида пахта териш машинасининг иш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

Кўйилган масалани кўриб чиқиш учун қуйидагилар маълум деб қараймиз (1-расмга қаралсин):

$L$  – тракторнинг базаси, мм;  $B$  – тракторнинг колеяси, мм;  $b_1$  – олдинги ғилдирак шинасининг эни, мм;  $b_2$  – орқа ғилдирак шинасининг эни, мм;  $a$  – бўйлама текислик бўйича трактор орқа ғилдираклари ўқидан оғирлик марказигача бўлган бўйлама масофа, мм;  $h$  – таянч текисликдан трактор оғирлик марказигача бўлган тик масофа, мм.

Кўрсатилган параметрларининг қийматлари қуйидаги жадвалда келтирилган (мм да)

$L$	$a$	$B$	$h$	$b_1$	$b_2$
2470	705	1900	1065	310	420

Уч ғилдиракли тракторнинг статик чекли ағдарилиш бурчаги қуйидаги ифода орқали аниқланади [1]

$$\beta_{чег} = \arctg \frac{CD}{h}. \quad (1)$$

1-расмда келтирилган схемага асосан,

$$CD = CM + MD; \quad (2)$$


$$CM = MA \sin \gamma; \quad (3)$$

$$MA = (L - a) - PD = (L - a) - 0,25b_1 \tan \gamma; \quad (4)$$

$$CM = [(L - a) - 0,25b_1 \tan \gamma] \sin \gamma; \quad (5)$$

$$MD = \frac{0,25b_1}{\cos \gamma}; \quad (6)$$

$$CD = [(L - a) - 0,25b_1 \tan \gamma] \sin \gamma + \frac{0,25b_1}{\cos \gamma} = (L - a) \sin \gamma + 0,25b_1 \cos \gamma; \quad (7)$$



1-расм. Уч ғилдиракли тракторнинг кўндаланг турғунлигини аниқлашга доир схема.

$$\sin \gamma = \frac{0,5B + 0,25(b_2 - b_1)}{\sqrt{L^2 + [0,5B + 0,25(b_2 - b_1)]^2}}; \quad (8)$$

$$\cos \gamma = \frac{L}{\sqrt{L^2 + [0,5B + 0,25(b_1 - b_2)]^2}}; \quad (9)$$

Демак,

$$\beta_{\text{чек}} = \arctg \left\{ \frac{1}{h\sqrt{L^2 + [0,5B + 0,25(b_2 - b_1)]^2}} x \{ (L - a)[0,5B + 0,25(b_2 - b_1)] + 0,25b_1L \} \right\}. \quad (10)$$

Бу охириги ифодага  $L$ ,  $B$ ,  $b_1$ ,  $b_2$ ,  $a$  ва  $h$ -ларни юқоридаги жадвалда келтирилган қийматларни қўйиб,  $\beta_{\text{чек}} = 34^0 06^1$  эканлигини аниқлаймиз. Демак, колеясини кенглиги 1900 мм этиб ишлаганлигига қарамасдан МТЗ-80Х трактори кўндаланг турғунлик бўйича талабларга жавоб бермас экан.

МТЗ-80Х тракторининг кўрсатилган камчилиги ҳамда мақбул колеясини (1800 мм) уни ғилдиракли юриш тизимига ўтказиш йўли билан эришиш мумкин.

### Хулоса

Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қатор ораларига ишлов беришда қўлланиладиган уч ғилдиракли чопиқ тракторларининг талаб даражасидаги кўндаланг турғунликлари ва мақбул колеясини уларни тўрт ғилдиракли юриш тизимига ўтказиш йўли билан эришиш мумкин.

### Адабиётлар

- [1] Т.С.Худойбердиев Трактор ва автомобиллар назарияси ҳамда ҳисоби.- Тошкент: “Ўқитувчи”, 1984. -176 б.
- [2] Межгосударственный стандарт, ГОСТ 12.2.019-2005 Система стандартов безопасности труда Тракторы и машины самоходные сельскохозяйственные Общие требования безопасности, - Минск, 2006. -18 с.

УДК 631.356.4.02

## МОДЕЛЬ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩЕГО КАРТОФЕЛЕКОПАТЕЛЯ

Д.Р. Норчаев

*Научно-исследовательский институт механизации и электрификации  
сельского хозяйства (ИМЭСХ)  
(Получена 27.06.2014 г.)*

*Мақолада энергия-ресурстежамкор картошка қовлагичнинг технологик жараёнини ифодаловчи модели келтирилган.*

**Таянч сўзлар:** *Энергияресурстежамкор картошка қовлагич, тупроқ аралашмасининг ажратилиши тўлиқлигини ошириши даражаси, агрегатнинг қаршилигини камайтириши даражаси, картошка туғунагини шикастланишини камайтириши даражаси, меҳнат сарфини камайтириши даражаси.*

*В статье приведена модель технологического процесса энергосберегающего картофелекопателя.*

**Ключевые слова:** *Энергосберегающий картофелекопатель, степень повышения полноты отделения почвенных примесей, степень уменьшения сопротивление агрегата, степень снижения количества повреждение клубней, степень снижения затраты труда.*

*The model of the technological process of energy-saving potato digger is given in the article.*

**Key words:** *Energy saving potato digger, degree of increasing of the fullness of the branch of the soil admixtures, degree of the reduction resistance unit, degree of the reduction amount damage club, degree of the reduction of the expenses of the labour.*

Картофелеводство является важной составной частью отрасли сельскохозяйственного производства Узбекистана и призвано обеспечить население Республики картофелем собственного производства.

На сегодня самым трудоемким этапом возделывания является механизированная уборка картофеля – до 75% всех трудозатрат и до 60% энергозатрат [1].

При уборке картофеля, в основном, применяют картофелекопатели КТН-2Б, КСТ-1,4. При этом необходимо учесть, что в условиях Узбекистана при уборке раннего картофеля в летний период, влажность почвы пониженная. Поэтому в процессе выкопки почвы клубненосного пласта плохо крошится с образованием крупных почвенных комков, что затрудняет отделение их от клубней на грохоте и элеваторе. Это приводит к увеличению потери и повреждению клубней картофеля. Кроме того серийные подкапывающие рабочие органы существующих картофелекопателей в процессе выкопки забирают в значительном количестве лишнюю почву и в результате перед лемехом сгуживается клубненосная масса, что ухудшает процесс уборки и увеличивает тяговое сопротивление. Эти выкопанные лишние массы распределяются на сепарирующие рабочие органы неравномерно. Неравномерное распределение клубненосной массы на сепарирующие рабочие органы приводят к ухудшению их работы и не могут обеспечить необходимую полноту сепарации, и в результате снижают производительность и качество работы агрегата.

Подборки клубней картофеля вслед картофелекопателем представляет трудоемкий процесс и требует большого количества рабочих рук в короткий промежуток времени.

В этой связи актуальным является проведение научно-исследовательских работ по совершенствованию технологического процесса выкопки урожая картофеля картофелекопателями.

На рис.1 приведена схема разработанного нами энергосберегающего картофелекопателя.

Энергосберегающий картофелекопатель состоит из опорно-комкоразрушающего устройства 1, уменьшенные лемеха 2, основной элеватор 4, волнообразных рыхлителей 5 закреплены на раме и валкоукладчика 6.

Уменьшенные секционные лемеха 2 состоят из двух основных и одного промежуточного лемеха.

Волнообразные рыхлители 5 изготовлены из 12 мм прутков, и они покрыты резинами и прикреплены на раме.

$B_o$  – ширина опорно-комкоразрушающего устройства;  $D_o$  – диаметр диска;

$L_{эл}$  – длина эластичных прутков;  $d_{эл}$  – диаметр эластичного прутка;  $n$  – количества эластичных прутков;  $L_l$  – длина лемеха;  $B_o$  – ширина лемеха;  $\gamma_l$  – угол раствора лемеха;  $L_p$  – длина рыхлителя;  $R_p$  – радиус окружности рыхлителя;  $\alpha_p$  – угол дуги окружности;  $n_p$  – количества волнистых рыхлителей;  $L_p$  – длина решетки валкоукладчик;  $\alpha_в$  – угол решетки валкоукладчика по горизонту;  $h_{ме}$  – расстояние по вертикали между решетками валкоукладчика.

Валкоукладчик 6 состоит из двух частей, соединяется к раме жестко под углом. Оно выполнено в виде решетки, которая покрыта резинами и устанавливается поперечно между собой и относительно элеватора.




Рис.1. Схема энергосберегающего картофелекопателя. 1 – опорно-комкоразрушающее устройство; 2 – уменьшенные секционные лемеха; 3 – ось; 4 – основной элеватор; 5 – волнообразные рыхлители; 6 – валкоукладчик;

На основе моделирования технологического процесса энергосберегающего картофелекопателя выявлены перспективные направления совершенствования его рабочих органов (рис.2).

$Z$  ( $L_{эл}, d_{эл}, D_0, n, B_0, L_l, B_l, \gamma, L_p, R_p, \alpha_p, n_p, L_b, \alpha_b, h_{мв}$ ) – конструкторские параметры рабочих органов;  $\Phi_j(t)$  – неуправляемые факторы системы;  $\Phi_i(t)$  – управляемые факторы системы;  $\varphi(t)$  – состав картофельного вороха;  $\Delta w_1$  – степень повышения полноты отделения почвенных примесей, %;  $\Delta w_2$  – степень уменьшения сопротивление агрегата, %;  $\Delta w_3$  – степень снижения количества повреждение клубней, %;  $\Delta w_4$  – степень снижения затраты труда.




Рис. 2. Информационная модель технологического процесса энергосберегающего картофелекопателя. 1 – комкоразрушение; 2 – подкоч клубненосного пласта; 3 – сепарация почвенных примесей; 4 – укладка картофеля на валок; 5 – ручной сбор клубней в тару; 6 – загрузка тары с клубнями в транспортное средство;

На рис.3 показан технологический процесс работы картофелекопателя.

При движении агрегата диски опорно-комкоразрушающих катков подрезают боковые части грядки, уменьшая поступление лишней почвы на сепарирующие рабочие органы. Далее уменьшенные секционные лемеха выкапывают оставшуюся часть картофельной грядки, в результате чего уменьшается нагрузка рабочих органов.

Для забора минимального количества почвенной массы длина промежуточного лемеха выполнена меньше по сравнению с основными лемехами, и он находится в зоне междурядий. В процессе работы промежуточный лемех не выкапывает боковую зону картофельной грядки и зоны междурядий с наибольшей плотностью, а лишь подбирает упавшие клубни из междурядий и направляет в сторону основного элеватора. Основные лемеха подкапывают только ту часть гребня, в которой размещены клубни картофеля.

В процессе работы диски с эластичными прутками копируют поверхность рядка и при взаимодействии с клубненосным пластом разрушают поверхностные почвенные комки [2]

Далее передаваемая почва к элеватору с помощью волнистых рыхлителей 5 разрушается, где отсеивается большая часть почвы, клубни и оставшаяся почва подаются к валкоукладчику 6, где отсеивается оставшаяся часть почвы и с помощью валкоукладчика клубни картофеля на землю собирают в кучу.

Преимущество предложенного энергосберегающего картофелекопателя, заключается в том, что от применения выше приведенных рабочих органов уменьшается поступление лишней почвы вместе с комками на сепарирующие рабочие органы, и тем самым, снижают загрузку рабочих органов, а также, улучшается сепарация почвы, уменьшается потеря и повреждение клубней, а также тяговое сопротивление.




Рис.3. Технологический процесс работы картофелекопателя. 1-опорно-комкоразрушающее устройство; 2-уменьшенные секционные лемеха; 3-ось; 4-основной элеватор; 5- волнообразные рыхлители; 6-валкоукладчик.

Список литературы

- [1] Борычев С.Н. Машинные технологии уборки картофеля с использованием усовершенствованных копателей, копателей-погрузчиков и комбайнов.: Автореф. дис. ... док. техн. наук. -Рязань, 2008.- 40с.
- [2] Патент РУз № 20000640. Устройство для разрушения и отделения почвенных комков. Норчаев Д.Р. и др. // Б.И. – 2001. – №3.

УДК 677. 21: 021 547

ТОЛА АЖРАТГИЧ АРРАЛАРИГА ТИШ КЕСИШ ҚУРИЛМАСИ

П. Раджибаев, Д.П. Раджибаев, Х.У. Акбаров

Андижон машинасозлик институти  
(Қабул қилинди 12.03.2014 й.)

Мақолада тола ажратгич арра тишларини, қалинлиги 1,6 мм бўлган абразив дисклар ёрдамида кесиш қурилмасининг тузилиши, ишлаш принципи ва унинг афзалликлари ёритилган.

**Таян сўзлар:** Тола ажратгич, арра, арра тишлари, тиш қиргоқлари, тиш кескич, абразив диск.

В статье описано устройство, принцип работы зуборезного устройства для изготовления пил волоконотделителей с помощью абразивных дисков толщиной 1,6 мм и отмечены его преимущества.

**Ключевые слова:** Волоконотделитель, пила, зубьев пил, кромки зубьев, зубонарезной, абразивный диск.

The article describes the equipment, the operating principle for the manufacture of gear offing equipment gin using abrasive discs 1,6 mm thick and its advantages are marked.


**Keywords:** Cotton gin, saw, teeth of saws, edge of teeth, gear-cutting, abrasive disk.

Тола ажратгич арраларининг тишлари илгариланма-қайтма ҳаракатланувчи тишкескич, пуансон ва матрицалар ёрдамида амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги кунга келиб роторли тиш кескич қурилмасидан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Айтиб ўтилган тиш кескичлар пуансонга ва матрицага берилган шаклни арра дискига штамплаб ўтказишга асосланган. Арра диски маргенец билан лигерланган углеродли пўлатлардан (У8Г-У12Г) тайёрланганлиги учун ҳам, штамплаб тиш кесилганда, уларда қолдиқ деформация деярли



бўлмайди. Арра дисклари қумли ваннадан ўтказилиб, тиш қирғоқларидаги ўткир қирралари текисланиб силлиқланади. Шуни таъкидлаш жоизки, арра тишларининг хизмат муддатини ошириш учун дискларга термик ишлов бериб қаттиқлигини ва ейилишга бардошлигини оширишнинг мукамал бир усули ҳозирча ишлаб чиқилмаган. Лекин бу йўналишда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Анджон машинасозлик институтида арра дискларига тиш кесувчи янги қурилманинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Таклиф этилган қурилма асосан учта механизм элементларидан ташкил топган. Улар қўзғалмас устунли таянчга ўзаро перпендикуляр қилиб маълум масофаларда ўрнатилган абразив дисклар, илгариланма-қайтма ҳаракатланувчи столга маҳкамланган арра диски вални маълум бурчакларга буриб турувчи редуктор ва кесилаётган арра тишларини назорат қилиб бошқаришга хизмат қилувчи автоматик элементлар мажмуасидир.




1-расм. Арра дискларига тиш кесиш қурилмасининг умумий кўриниши.

1-расмда қурилма механизмлари қуйидаги деталл ва бирикмалардан ташкил топган: вал (1) га ўрнатилган 130 та арра дисклари (3) пакетланиб, икки томондан шайба (2,4) ва гайка (5) ёрдамида зичлаб маҳкамланади. Арра дисклари маҳкамланган вал (1) га корпус подшипниклар (6) ва ярим муфта (7) кийдирилиб, стол (10) даги таянчлар (9) га ўрнатилиб қотирилади. Ярим муфталар (7) орқали столга маҳкамланган редуктор (8) га бириктирилади. Редуктор червякли ва икки босқичли цилиндрик тишли узатмалардан ташкил топган. Автоматик элементлари иккита фотодатчик ва уларга нур бериб турувчи ёруғлик манбалари, бошқариш элементларидан иборат.

Тиш кесиш қурилмаси қуйидаги тартибда ишлайди: Қурилма столи (10) вал ўқи бўйлаб илгариланма-қайтма ҳаракатланади. Кесувчи абразив тош ўз ўқи атрофида айланма ва вертикал ўқ бўйича ҳаракатланиб, тиш баландлигини ва энининг белгиланган ўлчамга мослигини таъминлайди. Тиш баландлигини назорат қилиш учун фотозлектрик датчиклардан иборат автоматик элементлардан фойдаланилган. Бунинг натижасида тош кесиб чиққандан кейин қисман ейилиши натижасида тишнинг баландлиги белгиланган қийматдан кичик бўлиши датчиклар орқали аниқланиб тошга яна бир қарра орқага ўтиб қайтиши тўғрисида буйруқ берилади. Тишнинг баландлиги меъёрига етганда, тошнинг ости билан столга қўйилган белги орасидан ўтаётган нур фотодатчикка тушмай қолган тақдирда, стол (10) сурилишни давом эттириб, редуктор валига ўрнатилган шестерня, рейка тишлари билан илашишга киришиб, тўлиқ бир марта айланади.

Рейкага кесилган тишлар сони шестернянинг тишлар сонига тенг бўлганлиги учун редукторни етакловчи вали тўлиқ 360° га айланади, яъни валнинг бир маротаба айланишини таъминлайди. Шестерня редуктор валига қия тишли ярим муфталар орқали бириктирилган. Бунинг натижасида стол орқага қайтаётганда, муфтанинг қияли тишлари ўзаро итаришиб, илашишдан чиқади ва редукторнинг етакловчи валига айланма ҳаракат берилмайди. Редукторни узатишлар сони 1/280 бўлганлиги учун, уни етакловчи вали бир марта айланганда, етакланувчи вали 1/280, яъни битта тиш қадамига бурилади. Шундай қилиб, етакловчи вал 280 марта айланганда, етакланувчи вал бир марта айланиб, арра дискига 280 та тиш кесилади.

Абразив тошлар ёрдамида арра дискига тиш кесиш қурилмасининг афзаллиги қуйидагилардан иборат:



2-расм. Арра дискига кесилган тиш профиллари. а) оммавий усулда кесилган; б) абразив дисклар ёрдамида арра тишлари кесилган арра тишлари.

- абразив тошнинг қалинлигига тенг бўлган тиш ўйими кўпроқ тола учун захира ҳажм бўлиши;
- абразив тош билан кесилган тишнинг олд ва орқа томонларининг юза ғадир-будирлигининг кам бўлиши ҳисобига юза сифатининг ортиши;
- абразив тош ёрдамида кесилаётган юзаларнинг микро қаттиқлигининг ортиши ҳисобига ейилишга бардошлилиги ортиб, уларни хизмат муддатининг узайиши;
- тиш кесиш учун сарф бўладиган қимматбаҳо пуансон ва матрицалар ўрнига қалинлиги 1,6 мм бўлган оддий абразив дисклардан фойдаланиш.

Таклиф этилган қурилмада абразив дискларда кесилган тишларни профили 2-расмда келтирилган. Расмдан кўринадики, кесилган тишларда тошнинг қалинлигига тенг бўлган ўйиқ ҳосил бўлади. Тишнинг олд юзасини радиус билан ҳосил қилган бурчак  $40^\circ$ , ўткирлик бурчаги  $20^\circ$  сақланиб қолиши тишнинг жараёндаги хусусиятларини ўзгартирмайди. Тиш асосининг қисман кичиклашиши унинг жараёндаги мустаҳкамлигига таъсир қилмайди. Аксинча абразив дискнинг ейилиши натижасида унинг ўткир қирралари ўтмаслашиб, қисман айлана шаклига яқинлашиши натижасида арра тишларидаги ўйиқлар ҳам айлана шаклини олади. Бу эса арра тишларининг асосининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Дастлабки ҳисобларга қараганда пакетдаги 130 та аррага тўла 280 та тиш кесиш учун 2,36-2,6 соат сарф бўлар экан. Бу қурилманинг унумдорлиги соатига 50-55 дона арра эканлигини кўрсатади.

### Адабиётлар

- [1]. Г.И. Мирошниченко. Основы проектирования машин первичной обработки хлопка. М. Машиностроение. 1972 г.

УДК 361.61

## КУЗГИ БУҒДОЙ НИҲОЛЛАРИНИНГ ОПТИМАЛ ОЗУҚА МАЙДОНИ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

А.А. Вохобов, З. Махаммаджонов

*Андижон қишлоқ хўжалиги институти  
(Қабул қилинди 10.07.2014 й.)*

*Ушбу мақолада кузги буғдой ниҳолларини нормал ривожланиши учун зарур бўлган озуқа майдони ҳамда қатор ораларини мақбул кенгликларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.*

**Таянч сўзлар:** *Профиль, экиш, технология, жойлашиши, бир текис, синов, омил, ўлчамлар, экиш машинаси.*

*В статье приведены результаты исследований по определению оптимальной ширины междурядий с целью создания нормальной площади питания растений.*

**Ключевые слова:** *Профиль, посев, технология, размещение, равномерность, испытание, фактор, параметры, посевная машина.*

*The results of researches on determination the optimum spacing with the aim of creating of a normal plants feeding area are given in the article.*

**Key words:** *Profile, crop, technology, placement, uniformity, test, factor, parameters, sowing machine.*

Республикамизнинг кўп пахта етиштириладиган худудларида ғўза қатор ораларига буғдой экиш кўлами йил сайин ортиб бормоқда. Шу боисдан ғўза қатор ораларига ўз вақтида кузги дон экинларини экиш юқори самарали машиналарда амалга оширилиши яхши натижа бериши шубҳасиздир. Экишдаги асосий вазифа қадалган уруғнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратиш, тупроқ юзасига бир текис униб чиқишини ва оптимал қалинлигини таъминлашдир.

Ҳар бир экин тури нормал шароитда ривожланиши учун маълум бир озиклантирувчи майдон юзасига эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам кузги дон уруғларини экиш усуллари уруғларни маълум бир юза бирлигида жойлашиши ва уларнинг қалинлиги билан аниқланади.

Шунга асосланиб қатор ораси ва экинлар оралиғи юқори ҳосил олиш натижалари бўйича танланиши мумкин. Лекин шуни таъкидлаш керакки, кузги дон уруғларини экишда қатор орасининг қанча бўлиши ҳали етарли даражада илмий асосланмаган. Шунга қарамасдан кузги дон уруғларини экиш технологик жараёни учун қуйидаги агротехника талаблари асосий бўлиб қолади:

- Белгиланган меъёрадаги уруғни маълум бир майдон юзаси бирлигига жойлаштириш;

- Уруғларни экиладиган майдон юзасига бир текис қадоқлаш;

- Уруғларни белгиланган чуқурликка бир текис қадоқлаш

Ўсимлик ниҳолларини қулай ва яхши ривожланиши учун маълум шароитни таъминлаш зарур. Бу асосан икки омилга, яъни *космик* ҳамда *тупроқ* омилларига боғлиқ. Булар ўз йўлида тўртта омилларни ўз ичига олади: космик омиллар - ёруғлик ва иссиқликни; тупроқ омиллар – сув ва озуқа элементларини.

Бу омилларнинг ўсимлик организмда тенг тақсимланиши юқори ҳосил олишни таъминлаши шубҳасиздир.

Ушбу масаланинг ечимини нафақат дон уруғларини дала майдони юзаси бўйлаб тенг тақсимлаш, балки ҳар бир ўсимлик учун космик ва тупроқ омилларни бир маромда етказилишини таъминлаш орқали амалга ошириш зарур. Бу эса умумий майдондаги экиннинг ҳосилдорлигини юқори бўлишини таъминлайди.

Тажрибалардан маълумки, ҳар бир ўсимлик турининг озуқа моддаларини олувчи томирлари тизимини кўриниши конус шаклида бўлиши аниқланган. Чунки озуқа моддаларини олувчи томирлар тупроқ қатламида ҳар томонга бир ҳилда, ўқ томирига нисбатан паралелл ҳолда ўсади. Озуқа моддаларини олувчи томирлар тизимининг ўлчамлари ҳар бир ўсимликнинг тури, нави, тупроқнинг физик-механик ҳоссаларига ҳамда сув ва озуқа моддалари билан таъминланганлиги даражасига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Шунга асосан ўсимлик томирлари тизимининг тузилиши ва ўлчамларига зарурий озуқа майдони белгиланади.

Шулар қаторида буғдой ниҳоли учун ҳам зарурий озуқа майдони асосланиши лозим. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, буғдойнинг озуқа майдони ўртача 16-20 см<sup>2</sup> ни ташкил этади [1]. Бундан ташқари озуқа майдонининг шакли ҳам катта аҳамиятга эга. Майдон шакли томонларининг узунлиги бир биридан катта фарқ қилмаган тўғри тўртбурчак ёки квадратга яқин шаклда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қаторлаб экиш усулида қатор оралари 15 см бўлганда ҳар бир майсанинг озуқа майдони ўртача 23-28 см<sup>2</sup> ни ташкил этади. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки уруғларни жойлаштириш шакли томонлари 1:9 (қатор оралари 15см, уруғлар орасидаги масофа 1,6-1,8см) нисбатдаги тўртбурчак кабидир. Ўсимликнинг томир системаси нисбатан кенроқ бўлган майдонга, қатор оралари томон ўсиб ривожланиши билан озуқа майдонини маълум миқдорда компенсациялай олсада, 1:9 нисбатда катта тафовут мавжуд. Ушбу шаклни иложи борида квадрат шаклига яқинлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу муаммони қатор ораларини торайтириш йўли билан ечиш мумкин. Эчкичларни ўтагонлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қатор ораларини 6,5 см дан камайитириш мумкин эмас [2]. Тор қаторлаб, ҳар бир тақсимлагич меъёрини икки марта камайитириш йўли билан экилганда қаторлар ораси 7,5 см, уруғлар орасидаги масофа эса 3,2-3,6 см ни ташкил этади. Шу билан ўсимликнинг озуқа майдонини ўзгартирмаган ҳолда озуқа майдонининг шаклини 1:2 нисбатга келтиришимиз мумкин. Лекин тақсимлагичларнинг сонини ортиши ва ҳар бир тақсимлагичдан ўтаётган уруғ миқдорини камайиши тақсимлагичга қўйилган агротехник талабларнинг бажарилишини қийинлаштиради. Ўсимлик учун зарур озуқа майдон шаклини идеал равишда таъминлаш мумкин бўлмасада, лекин икки ўзгарувчига эга бўлган қатор оралари ҳамда уруғлар орасидаги масофани меъёрлаш йўли билан оптимал озуқа майдони шаклидаги тўғри тўртбурчакни ҳосил қилишимиз мумкин. Қатор ораларининг ўлчамини экиш усулига, уруғлар орасидаги масофани эса экиш меъёри орқали белгилаймиз. Бу кўрсаткич асосан экиш усулига, буғдой навига, экиш муддатига, тупроқнинг хоссасига, экиш чуқурлигига, минтақанинг иқлим

шароитига ва бошқа бир неча омилларга боғлиқ. Қўйилган масалани барча буғдой экиш усулларида амалга ошириб бўлмайди.

Ғўза қатор ораларига сочиб экиш усулида ушбу кўрсаткичларни тўғри таъминлай олмаймиз. Сочилган буғдой уруғи нотекис ғўза қатор юзаси бўйлаб тартибсиз тарқалади ҳамда ўз жойини топади. Етакчи илмий тадқиқот институтларининг берган маълумотлари шуни кўрсатадики, қатор ораларини 7-12 см орасида (1м<sup>2</sup> да 450-500 дона) белгилаш мақсадга мувофиқдир [3].

Ўсимликни оптимал озуқа майдонининг ўлчамлари ва шаклини таъминлаш асосан уруғ тақсимлагич, уруғ ўтказгич ҳамда экичнинг бажараётганган ишига боғлиқдир [2]. Экичнинг конструкциясини ҳамда ўрнатилишини тўғри танлаш билан қатор ораларини белгилаймиз. Уруғ ўтказгич эса тақсимлагичдан келаётган уруғларни экичга етказишга хизмат қилади. Уруғларни бир маромдаги оқимини таъминлаш учун унинг параметрлари, материали, ўрнатилиш бурчагини тўғри танлашимиз зарур.

Бунда асосий эътибор тақсимлагичга қаратилган бўлиши керак. Тақсимлагичлар бункердаги уруғни меъёрлаб, ўтказгичга етказиши. Тақсимлагичга қўйилган талаб уруғни меъёрлаш билан чекланибгина қолмай, балки уруғни бир текис ва давомли тақсимлашини, уларга механик зиён етказмасликни таъминлаши зарур. Буғдой уруғларини экишда асосан катушкали тақсимлагичлардан фойдаланилади. Катушкали тақсимлагичларнинг нотекислиги +10 дан - 6% гача ўзгаради. Ушбу нотекисликни катушканинг айланма тезлигини орттириш, катушка билан муфта орасидаги ораликни кенгайтириш ҳамда экиш меъёрини орттириш билан бартараф этишимиз мумкин [2]. Айтиб ўтилганлардан ҳулоса чиқариб ҳамда битта катушкадан ажралаётган буғдой миқдорини ортиши экиш ишларининг сифатига тўғри пропорционал равишда ортишини ҳисобга олсак, бир гипотеза ҳосил бўлади яъни айтиб ўтилган барча тадбирларни бир вақтда амалга ошириш. Бу эса битта катушка ёрдамида, экиш меъёрини орттириш ва тақсимлагич орқали бир неча қаторларни уруғ билан таъминлашни тақозо этади.

Биз уруғ тақсимлашнинг бир текислигин, турғунлигини ҳамда уруғларнинг механик деформацияланишини камайтириш мақсадида қуйидаги уруғ тақсимлагични таклиф этамиз (1-расм).


Тақсимлагич 1-тарелка; 2-ажратгич - конус; 3-юқориги (1 та) ҳамда пастки (10т а) шпунтцерлар 4; 5-бириктирувчи болт; 6-воронкадан дан тузилган.} Тақсимлагични иш жараёни қуйидагича: катушкали тақсимлагичдан ажратилган уруғ ўтказгич ёрдамида юқориги шпунтцер 3 орқали тарелка 1 га келиб тушади. Ажратгич конус юқоридан тушаётган уруғларни, унга симметрик равишда жойлашган тарелканинг тешикларига ажратади. Тешикларга тушган уруғлар пастги шпунтцерлар 4 бўйлаб ўтказгич орқали экичга узатилади.

Ушбу аппаратнинг тақсимлагич иш кўрсаткичларини яхшилашдаги вазифаси:

-битти катушкали тақсимлагичдан фойдаланиб уруғ ўтказгич орқали 10 та экичга уруғ оқимини етказиб бериш билан уруғ экилишини мароми турғунлигини таъминлаш;

-буғдой уруғларига катушка штифтларининг таъсирини камайтириш билан буғдойга кўрсатилаётган механик деформацияларини сезиларли даражада камайтириш;

-одатдаги, битти тақсимлагич учун белгиланадиган меъёрни 10 марта ортиши билан экилишнинг бир текислигини таъминлаш.



1-Расм. Таклиф этилаётган уруғ тақсимлагич: 1-тарелка; 2-ажратгич - конус; 3-юқориги шпунтцер; 4-пастки (10та) шпунтцерлар; 5-бириктирувчи болт; 6-воронка.

#### Адабиётлар

[1] Агротехника озимой пшеницы. Колос. М - 1967 г.

[2] Семенов. А. Н. Зерновые сеялки. Машгиз. Масква - 1959 г.320 ст.

- [3] Суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти. «Республикада экилаётган кузги бугдой навлари ва уларни парваришлаш бўйича тавсиялар» Андижон-2009 йил. 68 б.

## ПРИМЕНЕНИЕ ОБЫЧНОЙ КУЛИРНОЙ ГЛАДИ В КАЧЕСТВЕ ОСНОВЫ ОБУВНОЙ ИСКУССТВЕННОЙ КОЖИ

А. О. Абдурахмонов, А.А. Рузиев

Андижанский машиностроительный институт  
(Получена 12.03.2014 г.)

*Мақолада пойабзал сунъий чармини асоси учун трикотажнинг кулирли глади тўқилишини қўлланиши масалалари ёритилган. Трикотажнинг кулирли глади тўқилиши асосида мустаҳкамлик ва чўзилувчанлик кўрсаткичлари эни ва бўйи бўйича яқин бўлган сунъий чармини тайёрлаш мумкин.*

**Таянч сўзлар:** сунъий чарм, бир фонтурали машина, айлана- тўқима трикотаж машинаси, кулирли глади, тўқима, солиштирма оғирлик, халқа устуни, узувчи куч, тўқима зичлиги, чўзувчанлик, пишиқлик.

*В статье излагаются вопросы применения трикотажа - переплетения кулирной глади для основы обувной искусственной кожи. На основе трикотажного переплетения из кулирной глади можно получить искусственную кожу с близкими показателями прочности и растяжения по ширине и длине.*

**Ключевые слова:** искусственная кожа, однофонтурная машина, кругло-трикотажная машина, кулирная гладь, полотно, удельный вес, петельные столбики, разрывное усилие, плотность полотна, растяжимость, прочность.

*In the article the questions of application of jersey - interlacings loop round a smooth surface for a basis of a shoe artificial leather are reported. On the basis of a knitted interlacing loop round a smooth surface it is possible to receive an artificial leather with close indicators of durability and a stretching on width and length.*

**Key words:** an artificial leather, single-jersey [single-knit] machine, the round -knitted car, loop round a smooth surface, a cloth, specific gravity, loopy columns, breaking strength, stitch density, an stretching, durability.

Исходя из требований к основам искусственной кожи для верха обуви, было установлено, что в качестве основы обувной искусственной кожи вместо дорогостоящих тканей можно применять кругловязальные полотна, вырабатываемые на однофонтурных и двухфонтурных машинах. К числу машин, используемых с этой целью, в основном относятся отечественные многосистемные однофонтурные кругловязальные машины МС-7 кругло-трикотажные машины КТ-3 и двухфонтурные кругловязальные машины интерлок МЕТО.

В настоящее время для выработки технического трикотажа применяются следующие виды переплетений: кулирная гладь, футерованное и двуластичное переплетение. Оценка возможности использования в качестве основы для обувной искусственной кожи трикотажа и других видов переплетений представляет интерес для промышленности. Однако в литературе ещё недостаточно проанализированы переплетения, как выше перечисленные, так и другие, с учетом требований, предъявляемых к основе обувной искусственной кожи.

Из большого количества различных видов однофонтурных кругловязальных переплетений рассмотрим, как наиболее перспективную кулирную гладь (рис.1).




Рис.1.

Кулирная гладь – односторонний трикотаж, получаемый последовательным провязыванием нити в петли на однофонтурных машинах, главным образом типа МС и КТ (см. рис). Из всех известных переплетений кулирная гладь обладает минимальной толщиной, достаточной прочностью и хорошей равномерностью петельной структуры. Так как для искусственной кожи наибольшее значение имеют такие свойства полотна, как толщина, разрывная нагрузка, растяжимость при разрыве и вес квадратного метра полотна, рассмотрим их более подробно.

Толщина кулирной глади зависит главным образом от толщины нити, из которой она связана. Известно, что толщина кулирного полотна определяется участками, где нити накладываются друг на друга. Поэтому, обычно, считают, что толщина  $\Delta$  кулирной глади равна двум толщинам  $F$  нити:

$$\Delta = 2F$$

В свою очередь, толщина нити

$$F = \frac{2}{\sqrt{\pi \gamma N}},$$

где  $N$ -номер нити,  $\gamma$ -удельный вес.

Если  $\gamma$  принимается равной удельному весу нити, т.е. с учетом воздушных промежутков между волокнами, то толщина  $F$  носит название действительной. Если же  $\gamma$  принимается равной чистому удельному весу волокон, из которых сделана нить, то толщину нити  $f$  называют теоретической толщиной. Сформулированное положение вносит некоторую неопределенность и создает трудности при установлении толщины трикотажа. Нити на местах своего контакта в петельной структуре сплющиваются и могут поэтому изменять свою толщину в пределах от  $F$  до  $f$ . Очевидно, чем больше будет одна нить давить на другую и тем больше они будут сжиматься в местах контакта, что уменьшает толщину трикотажа.

Прочность кулирной глади зависит от прочности нити, из которой она связана. Так как, при разрыве полотна вдоль петельных столбиков в каждой петле сопротивляются петельных столбиков, а при разрыве в ширину вдоль петельных рядов - одна, то продольная прочность полотна всегда больше, чем прочность его по ширине. Обычно, прочность трикотажа определяется для полоски, ширина которой равна 50 мм. Поэтому, зависимость между разрывным усилием  $\Pi$  и прочностью  $g$  одиночной нити будет равна:

$$\begin{aligned} \text{при разрыве вдоль} & \quad \Pi_{\text{в}}=2\eta g P_{\text{г}} \\ \text{при разрыве по ширине} & \quad \Pi_{\text{ш}}=2\eta g P_{\text{в}}, \end{aligned}$$

где  $P_{\text{г}}$  и  $P_{\text{в}}$ -плотность полотна, соответственно по горизонтали и вертикали;

$\eta$ - коэффициент, учитывающий равномерность распределения нагрузки между нитями и неодновременность разрыва нитей.

Прочность полотна по длине всегда больше прочности его по ширине в два раза, как это казалось бы по числу разрываемых нитей в каждой петле. Однако, при нормальном коэффициенте соотношения плотностей

$$C= 0,8$$

она меньше [1].

Растяжимость кулирной глади зависит от длины петли и свойств пряжи, из которой она связана. Максимальная растяжимость петли [1] равна:

$$\text{по ширине } A_{\text{max}}=l-3\pi f; \text{ по длине } B_{\text{max}} = l-3f/2,$$

где  $l$ - длина петли;  $f$ - теоретическая толщина нити.

Из этого мы видим, что максимальная растяжимость петли по ширине вдвое больше растяжимости его по длине. При одновременном растяжении петли по ширине и по длине (двумерное растяжение, величина растяжимости в каждом направлении по сравнению с одномерной растяжимостью, понижается, но соотношение их величин сохраняется, а именно, – при двумерном растяжении:

$$A=l-nf/2$$

$$B=l-nf/4.$$

Таким образом, для уменьшения растяжимости кулирной глади необходимо, прежде всего, стремиться к уменьшению длины петли, т. е. к выработке полотен с максимально большей плотностью. Масса  $m^2$  полотна является комплексным показателем полотна [2].

Она определяется по формуле:

$$Q = 0,0004 l P_r P_v T,$$

где  $l$  – длина нити в петле в мм;  $P_r$  и  $P_v$  – плотность полотна, соответственно, по горизонтали и вертикали;  $T$  – линейная плотность пряжи.

Из формулы для подсчета массы  $m^2$  полотна видно, что изменяя длину нити в петле и подбирая линейную плотность пряжи, можно получить желаемую массу  $m^2$  полотна. Однако, из всех однофонтурных переплетений кулирная гладь одно из самых легких переплетений, известных в трикотажной промышленности.

Из рассмотренных основных свойств кулирной глади видно, что при применении ее в качестве основы для искусственной кожи, она будет иметь ряд достоинств и недостатков. К достоинствам следует отнести:

- 1) небольшую толщину полотна, не превышающую двух толщин нити;
- 2) сравнительно небольшой вес  $m^2$  полотна, следовательно, небольшой расход пряжи для его получения;
- 3) возможность ее получения на высокопроизводительных, сравнительно простых машинах;
- 4) сравнительно небольшая стоимость полотна, отсюда – экономическая целесообразность его применения для основы искусственной кожи.

Основными недостатками кулирной глади являются большая его растяжимость и недостаточная прочность по ширине.

Таким образом, при использовании в качестве основы для искусственной кожи трикотажа - переплетение кулирная гладь целесообразно стремиться к уменьшению его растяжимости и увеличению прочности по ширине.

Проведенные исследования показали, что на основе трикотажа- переплетение кулирная гладь может быть получена из искусственной кожи с близкими показателями прочности и растяжимости по ширине и по длине при условии, что нанесение покрытия будет производиться на трикотаж, растянутый по ширине больше, чем по длине.

### Список литературы

1. Далидович А. С. Основы теории вязания. М., Легкая индустрия. 1970. с. 430.
2. Флерова Л. Н., Сурикова Г. И. Материаловедение трикотажа. М., Легкая индустрия. 1972. с. 182.

УДК 662.997

## ЗАДАЧИ РАЗРАБОТКИ ЭНЕРГОТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ БИВАЛЕНТНОЙ СХЕМЫ СОЛНЕЧНОГО ТЕПЛОСНАБЖЕНИЯ

Д.Н. Мухиддинов, С.Ф. Эргашев, У.Ж. Нигматов

Ферганский политехнический институт  
(Получена 16.12.2014 г.)

*Биноларнинг иситиши тизимларида гелиоресурслардан фойдаланиш ҳисобида мамлакат миқёсида анъанавий ёқилгини 50 фойизгача тежаши мумкинлигини илмий-тадқиқотларда эришилган натижалар кўрсатмоқда. Мақолада қуёшли иссиқлик таъминотининг юқори самарадор бивалент энерготехнологик схемасини яратиши масаласи ўрин олган. Масаланинг қўйилиши, бивалент гелиоэнергетик тизимларни тадқиқ этиши ва оптимал технологик параметрларни аниқлаш долзарб ҳисобланади.*

**Таянч сўзлар:** қуёш, гелиоресурслар, анъанавий ёқилги, бивалент схема, қуёшли иситиши таъминоти, оптимал параметрлар, энергияни тежаши, гелиоколлектор, иссиқлик йиғувчи насос, иссиқлик аккумулятори, наст ҳароратли манба, юқори ҳароратли манба, метеопараметрлар, автоматлаштирилган бошқарув тизими, ишчи цикл.

*Достигнутые результаты научных исследований показывают что, за счет использования гелиоресурсов в системах отопления зданий в масштабах Республики можно сэкономить традиционное топливо до 50 процентов. В статье рассматриваются задачи разработки высокоэффективной энерготехнологической бивалентной схемы солнечного теплоснабжения. Поставленные задачи, исследование и определение оптимальных технологических параметров бивалентных гелиоэнергетических систем являются актуальными.*

